



O'ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1956-YIL 4-YANVARDAN
CHIQA BOSHLAGAN

АДАБИЙ-БАДИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ, ИЖТИМОЙ ГАЗЕТА

№ 31 (4533)
2019 ЙИЛ 2 АВГУСТ

“ЭЙ ЖИГАРИМ, ЎЗБЕКИСТОН!”



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенконинг таклифига биноан расмий ташир билан ушбу мамлакатда бўлди. Минск шаҳридаги Мустақиллик саройида ўтказилган музокараларда 2018 йил Тошкентда бўлган Ўзбекистон – Беларусь олий даражадаги мулоқотининг давоми сифатида сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги икки томонлама ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболларини, шунингдек, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар муҳокама этилиб, Ўзбекистон билан Беларусь ўртасидаги кўп қиррали шериклини янги босқичга кўтаришга хизмат қиладиган салмоқли ҳужжатлар тўплами қабул қилинди.

**Бир қилишни бирга тоблаб,
Бирга бўлдиқ элга дармон.
Меҳринг бердинг нурга қоплаб,
Эй жигарим, Ўзбекистон!**

Бу сатрлар Беларусь халқининг атоқли шоири Якуб Колас каламига мансуб. Шоир “Ўзбекистонга” деб номлаган бу шеърини Иккинчи жаҳон уруши йилларида Гафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Шайхзода сингари адабиётимизнинг забардаст вакиллари билан ижодий ҳамнафас

бўлган пайтларда ёзган эди. Якуб Колас серкуёш ва саховатли Ўзбекистонни, бу заминда яшаётган меҳмондўст ва самимий инсонларни қалб ҳарорати билан севган. Унинг “Ўзбекистонга”, “Чимён”, “Солор” сингари шеърларида бу туйғулар ўзининг гўзал ифодасини топган.

Ўтган йили Тошкентда атоқли беларусь адиби ва жамоат арбоби Якуб Колас хотирасига ёдгорлик ўрнатилди. Бу нафақат Ўзбекистонда яшаётган йигирма мингга яқин беларуслар учун, балки шоир шеърининг юртимиздаги иқлосмандлари учун ҳам кутлуг манзила айланди.

Тарихда икки халқ бир тан, бир жон бўлиб тинчлик учун курашган даврлар бўлган. Беларусь заминини фашистлар зулмидан озод қилишда мардларча жанг қилган минглаб юртдошларимиз қатори Мамадали Топиволдиевнинг ҳам жасорати ҳақидаги ёрқин хотиралар ҳамон қалбларда мангу сақланади.

Давлатимиз раҳбарининг Беларусь Республикасида расмий таширифи доирасида икки халқ ўртасидаги маданий ҳамкорлигининг янги тарихида улкан воқеа – ҳазрат Алишер Навоий бюсти Беларусьда Шарк даҳолари ҳурматида бунёд этилган илк ёдгорлик сифатида очилди.

**Олам аҳли билингизким,
иш эмас душманлиг,
Ёр ўлунг бир-бирингизаким,
эрур ёрлиг иш.**

Асрлар оша улуг бобокалонимиз каламига мансуб ушбу сатрларнинг долзарблиги йўқолмай, аксинча, жаҳон аҳлини бирдамликка даъват сифатидаги аҳамияти ортиб бормоқда. Шеърят мулкнинг султони бюсти очилишига бағишлаб ўтказилган тантанали маросимда ушбу хикматли сатрлар беларус тилида янгради. Унда икки мамлакат ҳукуматлари ва парламентлари аъзолари, адабиёт, маданият намояндалари, кенг жамоатчилик, ёшлар қатнашди.

– Ушбу ёдгорлиқнинг очилиши порлоқ ва тантанали ҳодиса. Зеро, Навоий нафақат улуг шоир ва мутафаккир, балки буюк маърифатпарвар ҳам бўлган. Навоий мероси бутун инсоният мулкига айланган, асарлари кўплаб тиллар-

га таржима қилинган. Унинг чуқур фалсафаси, асарларидаги ранг-баранг образлар халқларни дўстлик, инсонпарварлик, олижаноблик каби фазилатлар орқали бирлаштиришга хизмат қилади, – деди Беларусь Республикаси Миллий Мажлиси Кенгаши раиси ўринбосари Марианна Шчёткина.

Дарҳақиқат, Алишер Навоий асарлари жаҳонда тинчлик, дўстлик ва қомил инсон ғоясини тарғиб этаётган бебаҳо адабий мерос сифатида барча халқлар томонидан қадрланмоқда. Аслида адабиёт вақт, макон, чегара билмайди. Инсон қомилликка интилар экан, Ҳазрат Алишер Навоий асарларида илгари сурилган ғоялар барча даврларда, барча инсонлар учун азиз ва долзарб бўлиб қолаверади. Шу бондан ҳам улуг мутафаккир номи улуглини, кейинги йилларда Россия, Хитой, Япония, Озарбайжон сингари давлатларда хайкаллари тикланди. Мазкур ёдгорлиқлар Ўзбекистон халқ рассоми, хайкалтарош Раҳман Мирзожонев (1954-2004) томонидан ишланган бўлса, Минск шаҳридаги Алишер Навоий бюсти беларуслик хайкалтарош Максим Макаревич томонидан яратилди. Бу ўзбек ва беларус хайкалтарошларининг ҳамкорлиги, қолаверса, улуг бобомизга беларус ижодкорининг бекиёс ҳурмат-этиборининг ёрқин далилидир.

Ўзбек ва беларус халқлари жаҳон маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган. Беларусь давлат филармонияси концерт залида ўтказилган Ўзбекистон маданияти кунларининг тантанали очилиш маросимида икки мамлакат маданияти ва санъати намояндалари, шоир ва ёзувчилар, кенг жамоатчилик, ёшлар қатнашди. Мамлакатларимизни бошқа соҳалар қатори халқларимизнинг бетақдор маданияти ва санъати ҳам боғлаб туради. Самарқандда ўтаётган “Шарк тароналари” халқаро мусиқа фестивалида беларуслик ижодкорлар мунтазам қатнашса, Ўзбек маданияти ва санъати вакиллари ҳам Беларусда ўтаётган “Славянский базар” ва бошқа нуфузли фестивалларнинг фаол иштирокчисига айланган.

Ўтган йили апрель ойида Тошкентда Беларусь маданияти ва кинеси кунлари ўтказилган эди. Бу йил Минскда ўтган Ўзбекистон маданияти кунлари мамлакатларимиз ўртасидаги маданий ҳамкорлиқни тараннум ва тараққий эттириш йўлида қўйилган навбатдаги улкан қадам бўлди.

ХУМОЁН АКБАРОВ

ҚАРЗ УЗИЛАДИ, ХОТИН ЁНГА ҚОЛАДИ!

Яқинда журналда ишлайдиган укаҳонимиз Сирғали мавзесида янги қурилган кўп қаватли арзон уйлардан 3 хонали квартира олди. Наманганнинг чекка бир қишлоғидан келиб, 15 йилдан бери Тошкентда ўқиб, ишлаб, ўз уйи — бошида ватани бўлишини орзулаб юрарди. Вақти соати билан уйланди. Икки фарзанд кўрди. Хар гапида менинг ҳам бошимга уй битармикан, деб орзу қиларди. Ижарама-ижара яшаб юргани учун топган-тутгани бебаракалиги, кўнглидагидек орзу-ҳавас қилиб, тўртта меҳмон қақролмайдиган умри ўтиб кетаётганидан афсусланган пайтлари ҳам бўлди.

Тошкентда келиб ватани бўлишимни ота-онам кўрармикан, катта ўғилнинг орзу-ҳавасида бир яйраб қувонармикан, деган армонларини ҳам яширмасди. Ўзини ўтга урди, чўкка урди, пул йиғаман деб уч-тўрт жойда ишлади. Ҳатто отаси укаларини Тошкент вилоятига олиб келиб, биргаликда деҳқончилик қилиб ҳам кўрди. Топгани ўпқондек ижарадан ортмади. Оиласини ҳам одамлардек яйратиб, уйнаб кудиролмай юрарди. Мана, шукрки, барча надоматлари орта қолиб, ўзи учун ниҳоятда қулай шартларда бошига ватан битди. Шунинг учун турганда, хотини ҳам учинчисига қўчқордек ўғил туғиб турибди дег...



Икки ярим йил аввал катта бир шиқоат билан бошланган шиддатли ислохотлар бу укаҳонимиз каби минг-минглаб муҳтожларнинг мурудини ҳосил қилди. Неча-неча оилалар уй оламан, деб орзунига етолмай, умидлари сўниб турган паллада, мана сенга уй-жой, мана сенга кредит, уй-жой олиб, ҳузур-халоватингни кўр деб, қатор янги-янги иморатлар барпо бўлди. Булар-ку тани жони соғлар, хаттоки ногирон, етим-есир, ҳаётдан умиди батамом сўнган дили шикасталар ҳам бошпанали бўлди. Уларнинг ногиронлик аравачаларида қувончдан балқиб ўйинга тушиб-ла-рини бир кўрсангини эди.

Инсон умри нима? Дунёга келиб инсондек яшаш учун интилоқ, орзуламоқ ва орзуларини амалга ошириш учун курашмоқ. Ўша орзу шохсупасининг юқорисида уй-жой – кичик ватан деган табаррук тушунча туради. Фарзанд туғилди дегунча терак экамиз, ҳовли-чорбоғларни кенгайтириш ташвишига тушамиз. Бунга имконият қилолмаганлар нима қилсин. Ҳа, дунёни дун шу экан деб пешонасига шартта уриб келгинди бир касдай шунчаки умргузаронлик қилиб ўтаверсинми?

Ахир, ҳар одамнинг инсонлик аъмоли, орзу-тиллаклари, Оллоҳнинг унга берган неъматини ҳақ-ҳуқуқи бор-ку! Ана шундай инсоний тиллаклари рўёбга чиқариш учун икки ярим йил аввал Президентимиз бутун мамлакатни улкан қурилиш майдонига айлантирди. Ҳа, бу майдонда ҳар қилинган имкон ва шароитига қараб иморатлар қурил-

япти. Имконият-шароитини яхши қиламан деб ҳаракатига шитоб берган одамлар боридан яна каттароқ, ҳашаматлироқ уйлارга харидор бўлаяпти. Ана шу ҳаракатларнинг ҳаммасини бирданга “пуфак”ка менгзаб, унинг “пак этиб ёрилиб кетиши”ни муқаррар деб башорат қилиб, айрим кишиларда ислохотларга нисбатан ишончсизлик уйғотишга ҳаракат қилиш инсофдонмикан?

Муттаҳамлар қайси замонда бўлмабди, ким қарз олмай орзу-ҳавасига етибди. Ўзбекда “Қарз узилади, хотин ёнга қолади” деган гап бор. Бу-ку масаланинг бир томони, “танганинг орқа томони”ни ҳам бир айлантириб кўрайлик. Неча минглаб навқирон йилит-қизларимиз ўша уй-жой, ўзе-

КУН МАВЗУСИ

кона орзу-ҳавас дея чет элларнинг не бир гадой топаси гўшлариди адашиб, улоқиб юрибди. Ўз ватани, оиласи, бола-чақасидан узилиб, не бир муҳтожликларда навқирон умрини ўтказиб, қуч-қувватини ўзга диёрларда сарфлаб юрибди. “Гастрайтер”, “эмигрант”, “чучмек”, “чёрный...” деган тахирлар билан ору номуסי булган-наётганлар қанча?

Ҳаммасида ҳам, балки ширин ҳаёт илгинчи бордир, аммо инсоф билан айтиш-лик, шу ширин ҳаётга ана ўша Ўзбекистон деб аталган катта қурилиш майдонида ҳам эришиш учун имкон туғилди-ку. Пайдо бўлган минг-минглаб иш ўринлари ўз ризқини ўз юрти, бола-чақаси олдида топадан деганлар учун айни муддао эмасми? Бу жойларда ишлаётганлар қора чака ё насияга қараб ўтирган эмас, меҳнатига яраша ҳақ олиб, юртида йўраётган фуқароларимиз – ўз илгиримиз, қора кўзларимиз.

Агар қимчи кеча мактабу коллежда йўқни бор қилиб кўрсатиб, ёлгон даъво-даст-гоҳлар билан пул ўтирлаб юрган бўлса, виждонига ҳавола. Мустақилликнинг яқин 25 йилида биз неча бор адлашиб, неча бор улоқиб ўз йўлимизни изладик. Бунда камар-

баста бўлиб турганлар бутун ўз хатоларини тан олиб, истифдор қилсалар ҳам уларни тушуниш мумкин. Лекин “буюк шаҳарлар ва буюк боболарнинг номларини” юзага чиқариб, “нечадир минг юз йилликларини нишонлаб пул ўтирладик” деб ўтисак, ўз халқимизнинг ҳалол эмаслигига шаҳодат бериб турган бўлмаймизми?

“Сити”лар, “мажлис ўтаётган ҳашаматли бино”лар, назаримда, бутун ҳар қачон-гилан керак. Чунки дунё бир-бирини танийдиган, қавм-қавминини ҳис қиладиган замон ҳозир. Меҳмон қақирганда, анвойи нозу неъматлар тайёрлаб тўртта қамиш бордондан ясалган рамакжон ўтовларда сипориш қилинмайди. Меҳмонни-ку қўйлик, иш юзасидан биров билан мулоқот-муносабатга киришаркансан, ўша ишбилармон аввал уни қутиб олган пирихонан-ишонанга қарайди. Ўзбекда ишхона – пирихона деган гап бор. Орзу-ният, тилангитга яраша маскан-мақонинг ҳам бўлиши керак-ку.

Бугунги эл бўзгича қарзга ботиб, алданиб томошабин бўлиб ўтирадиган халқ эмас. Мамлакат раҳбари бундан бир неча ой аввал Олий Мажлис Сена-тида: “Биз яқин ўтмишда онгли равишда онгсиз одамларни тарбиялашга уриндик” дея халқимизни ўз ҳаётига, турмуш кечмишига ҳушёрроқ нигоҳ билан қарашга даъват этди. Энди миллион-миллионлаб одамлар ижтимоий тармоқларда ҳар бир ҳодисага ўз муносабатини билдирадиган фаол фуқаролардир. Керак бўлса ўз ҳақки-хуқуқи учун ноҳақ амалдорнинг ёқасидан олиб бўлса ҳам мақсадига эришадиган курашчан, ёвқур инсонлардир. Булар ана шу икки ярим йиллик улкан ислохотларнинг самараси. Бургага аччиқ қилиб кўрпани қуйдирайди. Яхшилик бор жойда ёмонлик, эгулик авжланганда ҳасад, бахиллик, кўролмаслик каби иллатлар ҳам бор. Оллоҳнинг ўзи тўғри йўлидан адаштирадиган, иншооллоҳ!

ШУХРАТ РИЗАЕВ,
адабиётшунос

ТАХРИРИЯТИМИЗ МЕҲМОНИ

“КИНО САНЪАТИ” ЖУРНАЛИ

Журналхонлар орасида тобора оммалашиб бораётган “Кино санъати” журна-нининг 2-сонини нашрдан чиқди. Унда бир-бирдан кизикарли мақола ва кино янгиликлари ўрин олган. Айтиш керакки, халқимиз кўп йиллар давомида хорижий сериалларни кўравери-б, буюк боболаримиз ҳақида муносиб фильмлар йўқлиги тўғрисида эътирозлар жу-да кўпайган эди. Кейинги йил-ларда эса ниҳоят, тарихий мавзуларда фильмлар иш-лаш миллий кинематогра-фиямизнинг ҳам асосий мақсадларидан бирига айланаётгани кишига умид бағишлайди.

Бобур Элмуродовнинг “Имом Термизий. Бу йўлда хикмат бор” деб номланган мақоласида ушбу йўналишдаги бугун-ги жараён ҳикоя қилинади. Таниқли адиб Мурод Муҳаммад Дўст билан “Журъат ноёб муҳаб бўлди” номли сарлавҳа ости-да уюштирилган кизикарли сўхбатни жамоанинг катта ютуғи сифатида баҳолаш мумкин. Журнал саҳифасида ажратиб кўр-сатилган қуйидаги ибора ўзбек киносининг ўтган чорак аср-лик тарихига ишора қилади: “Ислом Каримов менинг нозик жойимдан тутди: “Миллат” деб қариллашга устасан, ўша ер-га бориб, миллий кино қилмайсани?” Дарҳақиқат, 2004 йи-ли кино соҳасида Президент Фармони, Вази-рлар Маҳкама-си қарори чиқарилиб, “Ўзбеккино” Миллий агентлиги та-ш-кил этилганида, йилига 15 та тўла метраж-ли бадиий фильм иш-лаш назарда тутилган, амалда эса бу санок 5 тага тушиб қолган. Ижро механизмида бирор қусур бўлганми? Мана, хо-зир ҳам 2021 йилдан бошлаб ҳар йили 30 та бадиий фильм олиш вазифаси қўйилмоқда...”

Журнал саҳифаларида шу каби материалларни кўп ўқий-сиз. Шунингдек, “Наби Ғаниев қисмати”, “Спилберг феноме-ни”, “Оскарнинг олтин рўйхати” каби мақола-лар журналда соҳага оид кўтарилган мавзуларни янада тўлдирган.

ЎЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ЙўЛЛАНМАСИ БИЛАН

Бундан уч йил олдин ёз фаслида мухлисларнинг таклифи-га биноан Ховосга бордим. “Гулбахор” қишлоқ хўжалиги ва касб-ҳунар коллежининг йиғилишлар залида учрашув бўлди. Бу ерда шеърятга, шоир билан суҳбатлашишга ташна ёшларни, газалиётга оина онахонлар, ҳажвий шеърларни эшитганда қаҳ-қаҳ отиб яйрайдиган отахонларни кўрдим. Тадбир самимий, кўтаринки руҳда ўтди. Кетар чоғи шаҳарчани айланмиш истаси тушди.

ХОВОСГА ҲАВАСИНГ КЕЛАДИ

Ўшада негадир ховосликлар: “Она, бизга баҳор чоғида келсангиз, атроф ям-яшил бўлади-да. Хозир нимани ҳам кўрсатар эдик”, – дейишди. “Мени атроф-олам эмас, одамларнинг яшаш шароитлари кизилтиради”, дедим. Уч-тўртталашиб шаҳарчани айлана бошладик. Асосан “барак” уйлардан иборат шаҳарчада яқин эллик йилдан буён бирор-бир ободонлаштириш ишлари олиб борилмагани кўриниб турарди. Уйлар орасидаги ўнқир-чўнқир йўлдан кетар эканмиз, ҳаво иссиқ бўлганидан бетон уйлардан чиқиб, деворлару унча баландлашмаган кайрағоч дарахтлари соясида ўйнаб юрган болажонларни, тўнчадан ясалган “стоил” устига бир чойнак кўк чойни қўйиб, гурунлашиб ўтирган кексаларни кўриб, “Бу ерлар қачон обод бўларкан, одамлар ҳам яхшироқ, фаровонроқ яшармикан”, деган фикр кўнгилмдан ўтса-да, ёнимдагиларга билдирмаган эдим. Деворларини йиллар давомида қору ёғирлар ювавериб уникиб, захлаб кетган бетон уйлар... Кана-лизацияси йўқлиги учун иккинчи каватга сув ташиб қаётган келинларни, югуриб офтобга чиқиб оёғи қуйганидан чириллаб йиғлаб қолган набирансини овутиб уйга олиб кираётган бувиларни, қўни-қўшни бир-галлашиб қуриб олишган ошхоналарда катта қозонга сув иситиб кир юваётган аёллар ҳали ҳам хотирамдан чиқмайди.

Жорий йилнинг феврал ойида мухтарам Юртбошимиз Сирдарё вилоятига ташириш доирасида Ховос туманига ҳам келиб, аҳолининг яшаш шароитларини кўриб, Ховосга алоҳида меҳр кўрсатиб, туманда янгича ҳаёт бошлаш учун иш режасини тасдиқладилар. Мана, орадан тўрт ой ўтди. Амалга оширилётган ишлар билан танишиш мақсадида Президентимиз 17-18 июль кунлари яна Сирдарё вилоятига таширишлари чоғида Ховосга ҳам

келдилар. Бунёд этилаётган янги Ховосдаги бунёдкорлик ишларини телевизор экрани орқали кўрган халқимиз ховосликлар билан бирга қувондилар. Орадан уч кун ўтиб мен ҳам Ховосга бордим. Қурилиш ишлари жадал кетаётганини кўриб, қайси бирдан бошласам дея, шошиб қолдим. Менга ҳамроҳлик қилган Ховос тумани ҳокими ўрибосари, туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Хуснора Бердиева билан шаҳарчани айландим.

– Аҳолимиз, асосан, қачонлардир чўли ўзлаштирувчилар учун ҳеч қандай қулайликларсиз қурилган барак уйларда яшашарди. Энди уларнинг ҳаммаси катта йўл ёқасида қурилаётган 30 та қўп қаватли, ҳамма шароитлари муҳайё, шинам, замонавий уйларга кўчирилди. Махсус комиссиямизнинг ўрганиши натижасида маҳаллаларимизда 46 та ҳам таъминланган, боқувчисини йўқотган, тўлов қобилияти йўқ оилалар, 20 та яққа, ёлғиз кексалар бориштирилди. Албатта, улар мухтарам Президентимиз томонидан бериладиган имтиёзлардан фойдаланади. Мана, кўриб турганингиз, қурилишлар йил охирига бориб босади, бу ерда “Ақли шаҳарча” қад ростилади. Ҳеч қачон ўзлашмайдиган электр энергияси, газ, тоза ичимлик суви, канализация тармоқлари бўлган хонадонлар Интернетта уланган бўлади. Мавжуд 6 та мактаб ва 6 та мактабгача таълим муассасаларимизда, замонавий спорт мажмуалари, кутубхоналар, маданият ва маърифат масканлари, Интернет кафелари, касб-ҳунар ва чет тилларини ўргатишга ихтисослаштирилган ўқув марказларида болаларимиз дунё ёшлари билан бемалол мулоқотга киришади. Туманимиз аҳолисининг 15 минг нафари хотин-қизлар. Марказий шифохонамиз ва унинг ичидаги туғруқхона бўлими капитал таъмирдан чиқди, замонавий тиббиёт жиҳозлари билан

меҳри туфайли бу муаммо кўз ўнгимизда ҳал бўлмоқда, – дейди Хуснора Бердиева.

– Ховосликлар бундай ўзгаришларни ҳаёлига ҳам келтира олмас эди. Худди эртасига ўхшайди: “Бир бор экан, бир йўқ экан, қуриб, нураб бораётган қудбалар ўрнига бир кечада биллур шаҳарча пайдо бўлибди. Унда одамлар мурул-мақсадлари етиб, бахтли яшай бошлабди...”. Ҳўй бу бизнинг Ховос шаҳарчамиз ҳақидаги ҳақиқатга айланган эртас, – дейди биз билан суҳбатда меҳнат фахрийси Жумабой Суёнов.

– “Ховос “Ақли шаҳар” бўлади. Ақли шаҳарда ақли одамлар яшайди. Элимизда: “Ақли кексалари бор юртда ақли ёшлар вояга етати”, деган гап бор. Биз ёши катталар, аввало, ёшларга билимди, идрокли, ватанпарвар бўлишни ўргатиш, керак бўлса, буни талаб қиламиз. Уларга бошимиздан ўтганларини сўзлаб берамиз. Чунки улар бундай доруломон кунларга етиб келиши осон бўлмаганини билишларини керак, – дейди ховослик отахон, ёшларнинг устозларидан бири Шербўта Примкулов.

Ховосда иш бошлаган “Сирдарё баракча чеварлари” тикувчилик корхонаси цехларини айланар эканмиз, ҳоким ўринбосари мамнуният билан таништира кетди:

– Бу цехларимизда юз нафар чевар қизларимиз иш билан таъминланган. Қуриб турганингиздек, тикувчиликнинг асосан ёшлар болалар кийим-кечакари, махсус кийимлар, спорт формалари ва турли ўлчамдаги чойшаблар тикилиши ўзлаштириб олган чеварларимиз буюртмаларни қойил қилиб бажармоқда. 800 мингдан 1 миллион сўмгача ойлик маош олишади. Тушлик овқатлари корхона ҳовлисидаги шинам ошхонада тайёрланади. “Тинчлик”, “Дўстлик”, “Бунёдкор”, “Чаманзор”, “Истиклол”, “Гулбахор”, “Сохибкор”,

“Пахтакор” маҳалларимиздан келадиган бу қизларимизнинг маънавий савиясини ошириш учун тез-тез турли мавзуларда давра суҳбатлари ўтказиб тураемиз.

Биз шаҳарчадан чиқиб “Бек кластер” қўшма корхонасига қарашли “Саховат” фермер хўжалиги далаларига бордик. Корхонага жами 18,0 минг гектар ер майдони ажратиб берилган. 2018 йили 13988 гектар ер майдонига чигит экилган. Пахта етиштиришни дастлабки уч йилда 42,6 минг тоннадан камай-тирмаслик ва кейинги йилларда босқичма-босқич ошириб бориш режалаштирилди. Корхонада 2018 – 2022 йилларга мўлжалланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш Дастури қабул қилинган.

“Саховат” фермер хўжалиги раҳбари Ўткирбек Яхёев билан суҳбатлашар эканман, унинг қиёфасида замонавий фермерни кўрдим. У илгор технологияларни чуқур ўзлаштирган, учта тилда бемалол гаплаша олади. Унинг адабиётга, айниқса, шеърятга айрича ихлосини кўриб янада хурсанд бўлдим.

– Бу йил ғалладан улкан хирмон кўтардик. Мана, ғўзаларимиз баравар ўсаётир, камида 35 сантиметрдан ҳосил оламиз. Ишчиларимиздан бирининг фарзанди учун контракт пулини тўласак, бирининг тўйига бошқоқ бўлди. Бирининг янги уй-жойи тўловига ёрдам қилсак, яна бирининг даволанишига йўللаним олиб берамиз, – дейди у. Далаларида барқ уриб ўсаётган ғўзаларни кўриб юрагимда деҳқонларга ҳурмат, эҳтиром жўш ураётганини ҳис этаман. Бу кенгликларга, даласидек сажий қалби одамларга яқинлигини бориладиган ўзининг бахтиёр ҳис қиласан киши.

Ҳа, мен Ховосга олдин ҳам келганман. Ўша пайтда ҳам ховосликлар ҳаётидан нолимаган эди. Ўша пайтда ҳам улар яхши кунларга умид қилганлар. Бугунги ғўзалар ўт уларнинг орзу-умидлари юзга чиқаётганидан далолатчи.

Ховосдан қайтар эканман, паллақларида тарс-тарс ёрилаётган қовунлар, полизларда бекасма тўнларини кийиб, қуёвлардек ёнбошлаб олган тарвузлар, қирмизи олмалар мўралаб турган боғлар, қорбоғлар ва далаларнинг ёнида эгаларининг ўзига тўқ яшаётганидан далолат берувчи бир-бирдан чиройли автомашиналарни кўриб дилим яйради.

Зулфия МҲМИНОВА

РАССОМЛАР АСКАРЛАРГА МАҲОРАТ ДАРСИ ЎТИШДИ

Нукус гарнизонидаги ҳарбий қисмда Президентимиз томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббус ижросига бағишланган маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.



БЕШ ТАШАББУС ИЗИДАН

Тадбир доирасида Ўзбекистон Бадий академияси Қорақалпоғистон бўлими раиси Улбосин Утегенова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи, Қорақалпоғистон халқ рассоми Женис Лепесов, Қорақалпоғистон халқ рассоми, академик Сарсенбай Байбосинов томонидан аскарларга тасвирий санъат бўйича Маҳорат дарси ўтилди. Муддатли ҳарбий хизматчилар рассомлар ижоди билан яқиндан танишиш билан бирга, қорақалпоқ рассомлари томонидан ташкил этилган қўшма кўرғазмадан баҳраманд бўлишди. Шунингдек, шоира Шинаргул Пахрединованинг “Қўнғилмида борим” номли шеърӣ тўплами тақдироти ҳам бўлиб ўтди. Аскарлар томонидан ижро этилган қўшиқлар тадбир катнашчиларига ўзгача қайғийат бағишлади.

Мазмунли ўтган ижодий учрашув хусусида ҳарбий қисм командирининг тарбиявий ва мафқуравий ишлар бўйича ўринбосари, подполковник Ойбек Мамадалиев шундай дейди:

Шоҳида ОРТИҚОВА



Одатда, “муқаддас” сўзи ниҳоятда эҳтиёткорлик билан қўлланилади. Шундай экан, нима учун гуноҳу савоблар қорраҳасида яшаётган Аёлга нисбатан “муқаддас” сифати қўлланилганда қучли қаршиликлар бўлади, аксинча, қабул қилинди, яшаб қолди, яшаб келяпти. Ахир, аёл жонидан жон бунёд этади: инсон яратди. Шу ўринда яна бир ҳолат эсимга тушди. Тўрт ёшли неварам кўчага қўғирчоғини олиб чиқмоқчи бўлди. Бундан беш-ун дақиқа аввал у қўғирчоғини қўмилтирган эди. Неварам бирдан қўғирчоғига қараб:

– Ойижон, уят бўлади, у қўйлагини кийсин, – деди-да, қўғирчоққа либос кийдиришга тутинди. Нима демокасман? Тўрт ёшли қизалоқ, ҳали биров ўргатмасдан, табиий равишда “уят” сўзининг маънисига етади. Эҳтимол, кўпроқ бизнинг миллатимизга хос бўлган бу бебаҳо тушунчалар билан бирга туғилиб, бирга ўсиб, уларнинг умрига умр қўшиб яшаётганлари учун ҳам Аёл, Она муқаддасдир. Ҳарна бўлса-да, Аёлга, Онага эҳтиром хонадонларимиз, оилаларимизнинг авлоддан авлодга узатиб келаётган энг бебаҳо қадриятларидан биридир. Миллатимизга хос энг гўзал қадриятларга бутунинг маънавий тарбияси учун асосий мезон сифатида қараётган мухтарам Президентимиз бу юксак лавозимга сайланган илк қўлларданок Аёлга эътибор масаласини кун тартибига қўйдилар. “Аёл бахтли бўлса, миллат бахтлидир” шioriнинг амалий ифодасини бугун ҳар жабада кўриб, қувониб, фахрланиб турибмиз.

Жорий йилнинг 21 июнь санасида пойтахтимизда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йиғирманчи ялпи мажлисида мамлакатимиз Президенти муҳим масалалар қаторида яна бир бор Аёлга ғамхўрлик ҳақида тўхталиди: “Аёллар халқнинг дардини бошқалардан кўра чуқур ҳис қилади. Бу йил декабрь ойида Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловларда аёлларимиз қанчалик қўп сайланса, бундан давлатимиз ҳам, жамиятимиз ҳам фаяда наф қўради”, деган гаплари аёлларимизга билдирилаётган энг юксак ишонч сифатида бизга алоҳида фахр ва масъулият юклайди. Айниқса, мамлакатимиз тарихида илк бор аёл киши – таниқли жамоат арбоби Танзила Норбоеванинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг раиси этиб сайлангани ва у ерда хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари билан шуғулланадиган кўмита тузилгани опа-сингилларимиз ҳаётида янги бир давр бошланганини далиллайди.

икковимизга Худойим сийлаб уч нафар фарзанд берди. Уларга Хурлико, Санжарбек, Ойдиной дея чиройли исмлар бердик. Лекин нафе қутқусига учиб гиёҳванд моддалар олди-сотдисига аралашиб қолдим, – дейди Хоразм вилояти Хазорасп тумани “Пичоқчи” қишлоғидаги “Дўстлик” қишлоқ фуқаролар йиғини фуқароси, 1977 йилда туғилган, энди 42 ёшни қоралаган аёл Нукулжон Сўфиева.

Унинг гарданида бу галги озодлик инъом этган ҳукмдан ташқари яна икки ҳукм бор. У бундан олдин ҳам жиноятга қўл урган эди. Аввали билмай шу йўлни тутди деб, яқинлари ҳам ёқавайрон бўзлашган, қўринганга, ҳол сўраб эшик қоққанларга тўлиб-тўқилиб сўзлаган эди. Кейин... кейин у яна хато қилди. Бу гал яна эгри йўлга катта қадамлар билан борди. Иккинчи ҳукм

ИНСОН ҚАДРИ



ўқилган паллада ҳатосини англаб тушроқ қанғалаб йиғлади. Бу ҳукм 2013 йилнинг 8 апрель санасида ўқилди. У Жиноят кодексининг 273-моддаси 5-қисми (60-моддаси қўлланилиб) 14 йил муддатга қамқоз жазосига ҳукм қилинган эди.

Гарчи 2016 йилда Нукулжон Сўфиеванинг жазо муддати 13 йил 4 ойгача қисқартирилган бўлса-да, у 2016 йилгача маҳкумликда яшаш керак эди. Бу катта муддат унинг қилмишига яраша, яъни қўп миқдорда гиёҳванд модда олди-сотдиси билан шуғуллангани учун берилган.

Лекин толени қарангки, унга етти йил аввал озодликка чиқиш бахти насиб эди.

– Жазони ўташ муассасасида қилган хатоларининг ўйлаш, таҳлил қилиш учун вақтинг қўп бўлади. Нега шундай бўлди, деган саволнинг жавоби ўзимга қалтак бўлиб тушаверади. Ким мени бу гирдобга тортган бўлса-да, барибир бош айбдор – ўзим, – дейди Нукулжон.

Унинг пушаймонлиги кўз ёшларига қўшилиб юзини ювади.

– Обрўли хонадонга келин бўлган эдим. Қайнонам Гулчехрабиби – маҳалламизнинг раиси эди, юзини ерга қаратдим...

Ҳа, аёлнинг ҳатоси ўзига жуда қимматга тушди. Аёл гуноҳининг жабрини тортаётган йилларда хонадонид

да тўйлар бўлди, набира-лар дунёга келди. Лекин “она” номи бўлса-да, онадек қуёви бошидан соч-қилар соча олмади, набира-ларига алла айтиш саодатидан маҳрум яшад

– Бундай азобнинг нима эканини фақат бошидан ўтказган бандалар билади. Душманимга ҳам раво кўрмайман бу хилдаги маҳрумийатни. Қўлимга кишан солиниб, уйдан чиққанимда мана бугун мени олиб кетгани келган қизим Ойдиной беш ёшли гўдак эди. Бу йил қизим мактабни битиряпти. Аълочи бўлибди, ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси экан. Кўзига қарагани хижолат тортяпман. Лекин энди кўзим очилди. Шунча йиллар қалбимда тўпланиб қолган, сарфланмаган меҳримин фарзандим, невараларимга бераман.

Ойдиной институтга қираман, деярли. Ўқинишга тайёрланадиган кечаларига сочларимни ёқиб, шам қилай... Илм деб йўлга чиққан оёқларига ўзим пойандоз бўлай... Болам, рўзгорим камини тўлдириш учун бошқача меҳнат қилсам бўларди-ку! Кетмон чопиб чигит эксам, ипак курти боқиб пиллакор бўлсам, шодикор бўлиб товоним ёрилиб, тупроққа таъзим қилиб яшасам бўларди-ку...

Нукулжоннинг афсусларини тинглаб кўнгилдан: “Оҳ, она-я, оназор-а, шундай тўхтамга

келиш учун 12 йил қамқода ётиш керакмиди?” деган оғриқли савол ўтади.

– Хурматли адИБИМИЗ Тоҳир Малиқнинг ҳамма асарларини ўқиб чиқдим. Қамқокдан чиққач, у кишининг олдига бориб бошимдан ўтказганларимни сўзлаб бермоқчи эдим, токи бошқа бир аёл гиёҳфурушлик балосига аралашмасин, бировларнинг фарзандлари заволга сабаб бўлмасин. Лекин у киши бандаликни бажо келтирибдилар...

Тақдир-да, Нукулжон, сиз эътиқод қилган ёзувчини Аллоҳ раҳматига олган бўлсин! Сиз эса панжара ортидан эркинликка чиққанингиз, жигарларингизни ҳеч нарсадан ҳадиксирмай бағрингизга босаётганингиз учун шуқроналар айтнинг: Ота юртингиз – эрта-индин қадамнингиз етажиги Хоразм туғроғини тавоф этиб, қўзга суринг. Сизга қараган яхши-ёмон нигоҳларга дош бериб, қучли бўлиб яшанг...

Хали ҳам ҳар шарпадан титраниб турган Аёлга бу гапни қўзларим билан айтдим. Энди ошкор айтаётганимнинг боиси шуки, биз нечоғли яхши замонларга, фаровон ҳаёт, ободликларга етган бўлсак-да, жамиятимиз бундай нобоп йўлга юрганлардан бутунлай ҳалос бўлгани йўқ. Ҳануз қимдир пана-пасткамда гиёҳфурушлик қиялпти, ёшларни, хатто ўсимирларни ҳам жисмоний, рухий маҳруқликка дучор қилапти. Уларга:

– Тўхтаг! Мана бу аёлнинг бандилик жароҳат солган қалбларига боқинг, аччиқ афсусларини эшитинг, сабоқ олинг! – дегимиз келяпти...

Гап аввалини аёл муқаддаслигидан бошлаган эдик. Бу муқаддаслик ҳар бир аёлнинг шуҳратли ҳаёти билан улугворлик касб этади. Ҳар аёлнинг ҳатоси, гуноҳидан дарзланади. Келинг, азиз опа-сингиллар, тўрт мучали саломат, тинч-осуда замонда, адолатли қонунлар муҳофазасида яшаётган эканмиз, муқаддас тушунчасини ёлғиз ўзимизнинг эмас, қизимиз, опамиз-сингилмиз, бутун миллатимиз аёллари – оналарининг ажралмас сифатида айлантирувчиларидан бўлайлик.

Мунаввара УСМОНОВА,
Ўзбекистон Ўзувчилар уюшмаси аъзоси

Бокий МИРЗО

ЮРАТИМДА УММОН
ЯРАТИДИНИ

Ватан

Кўнглимда яшнади муборак ишқинг,
Беором лахзалар топти ҳаловат.
Энди хотиралар дилбар ва жўшқин,
Рухимда улғайди яшил тароват.

Англадим: орзулар макони ўзинг,
Англадим: шу тупроқ қисматимга шаън –
Бу кун юрагимда уммон яратдинг,
Энг тоза меҳрга айланган, Ватан..

Ушongan тоғларинг...

Ишонган тоғларинг омонатмасми,
Билим деб тоғларинг жохолатмасми?

Ғарибни шодламоқ, мискинга бермоқ –
Максада боришдек зиёратмасми?

Отандан ризолик, онандан дуо,
Икки саодатга қафолатмасми?

Дунё ғамин қанча чекмагин, ошно,
Уни асраб турган адолатмасми?

Савоб, эзгу ишлар, юрт учун ёнмоқ,
Охират ғамидан ҳимоятмасми?

Пешонанга битмиш овоз, обод юрт –
Аллоҳдан муборак иноятмасми?

Ватан тинч, рўзгор бут, болалар омон,
Шукр қил, бу – улғу саодатмасми?!

Ўзинги боладек тутмагин, Мирзо,
Олтишга кирганинг балоғатмасми?

Буви-и-и

Бувим аввал Қуръон ўқирди,
Сўнг Машрабдан айтди эди байт.
Бизга ривоятлар тўқирди,
Ботирлар ҳақида кечки пайт.

Ўйотарди “Султон болам!” деб
Биз деб ишлар эди бечора.
Ҳаёт эзган онамни кўриб,
Юраклари бўлса ҳам пора.

Мен ёшликка қадам босган чоғ,
Куз кунларин тубига чўкиб,
Ҳасса билан зўрга юрарди,
Қуввати йўқ қаддини букиб.

Мен Қуръонга қўнглимни бериб,
Машрабни ёд олган чоғларим,
Ҳеч бўлмаса ботир бўлай деб,
Дилга ният солган чоғларим

Бувижоним тополмай қолдим!
Дард қўшилди қўнғил охиға.
Мен олисда юрсам, кетибди
Ўзи севган зот даргоҳига!

“Бувижон!” деб изтироб чекдим,
Анча қарзим бўйимда қолди.
Йиллар ўтди, афсус-надомат,
Пушаймонлар бағрига олди.

Тушларимда қилар хотиржам:
“Яратганинг қисмати ҳақ-да!
Набирангга Қуръон ўқиб бер,
Ривоят айт, ботирлар ҳақда!”

Сақкизмик

Туни билан қалам иккимиз
Белор бўлдик, завқ-шавққа чўқдик.
Ишқ оловин сатрга жойлаб,
Аста оппоқ қозғога тўқдик.

Ажаб! Хайрат чулғаб дилимни
Таажжубга солади бироз.
Сенга тинмай олов тўқилар,
Нечун ёниб кетмайсан, қозғо?!

Баходир ЎРИНОВ



ЧУНИ ҚАЛБА БОШИНГДАДИР

Дўнни

Бошингни сақлар омон,
Кимдирсан, сўйлар ҳар он,
Омад қулар сен томон,
Дўппингни сўйгин, болам,
Дўппингни кийгин, болам.

Ойбек домла хўп кийган,
Ғафур Ғулום кўп сўйган,
Миртемир бошга қўйган,
Бошинга қўйгин, болам,
Дўппини сўйгин, болам.

Чўнг қалба бошингдадир,
Посбон ҳар ёшингдадир,
Бобондан қолган қадир,
Удумни туйгин, болам,
Дўппингни кийгин, болам.

Бошгинанг сақла омон,
Ўзбекман, деб юр ҳар он,
Ўзлингиз эт намоён,
Дўппингни сўйгин, болам,
Дўппингни кийгин, болам.

Бир жуфт қалдирғоч

Уйимнинг шифтини осмон этдилар,
Эрта-кеч куйиниб макон битдилар,
Сахарлар бош узра гирён ўтдилар,
Хонам тўридаги бир жуфт қалдирғоч.

Уларнинг тутуми ҳаёлим тортди,
Турмуш ташвишини бирлашиб топти,
Чарх уриб учганда меҳрим ҳам орти,
Хонам тўридаги бир жуфт қалдирғоч.

Оғзида ташиди турли дон-дун,
Поланлар очди чўғурлаб бир кун,
Митти қалдирғочлар учдилар дурқун,
Хонам тўридаги бир жуфт қалдирғоч.

Шошаётган оғам

Поезд елдек учар, учади вагон,
Жумбишга келади вужудим шу он,
Вокзалда тумонат оломон, сурон,
Нега, қаерларга шошайсан сен.

Бир дам тўхта, айтил биргина калом:
Шошма, тондан кейин тушиб қолмас шом,
Ўтган йўлларингда қолсин яхши ном,
Нега, қаерларга шошайсан сен.

Уш

Новда кийди яшил япроқдан либос,
Қундан-қун яшнади, соя солди у.
Мен унга чин дилдан қўйганда ихлос,
Барглари сарғайди, рангдан қолди у.

Одамзод ҳам шундай ўтказар умр,
Ёшлик чоғларида гўнчадек яшнар.
Кексайғач, қамаяр кўзларида нур,
Қайдан билсин буни нихоллар – ёшлар.

Нурали ҚОБУЛ



Тарихий Қўрғонтепа, Дунётепа, Ўрта-баланд ва Ой-кор-Барлос манзилларидан ўтар экансиз, қаршингизда яна бир тарихий, афсонавий манзил бўйи кўрсатади. Бу машҳур Новка қасабаси ва шифобахш Новка булоғидир. Бу ором-бахш булоқ бўйидаги жоме масжидининг илк ғиштини Сохибқирон Амир Темур ҳазратларининг вориси Шоҳрух мирзо бино қилган. Новка қасабасининг моҳир ва улабурон эли ҳақида «қўлидан иш келмайдиган новкалик чироқ» иш-и йўнариши деган нақл юради. Бу кутлуг тупроқда богдорчилик, узумчилик, майизчилик, қуруқ мева етиштириш, сабзавотчилик азалдан ривож топган. Зотан, инсон меҳнати миллий ва умуминсоний маданият ҳамда қадриятнинг тамалига айланиб қолган асл маърифат ва маданият заминини ташкил этади. Шунда меҳнат роҳатлантирувчи санъат асари, ўзига оҳанрабо каби тортувчи мўъжизага айланади.

ЭЛГА БЕРСАНГ ОШИНГНИ

ёхуд

юрт бойлигидан улус баҳраманд бўлган мамлакатда
адолат ва фаровон ҳаёт қарор топади



Новка булоғининг биллур каби шифобахш сувидан қониб, хонбалигу турли-туман тангачали баликларни марокла томоша қилиб, яна йўлга тушасиз. Сўл томонингизда тарихий Мўғол қишлоғи ям-яшил боғлари, сурув-сурув қўй-эчкилари, уюр-уюр йилқилари, тўлиб-тошиб оқаётган ариқлари билан қўнғилингизга қувонч бағишлайди.

Эндилликда таъмирталаб бўлиб қолган бу йўл сизни Бахмал қасабаси ва Зомин тоғларининг гўзал ва хилват гўшалари, шарқирок сою шаршаралари томон етаклайди.

Йўлдан ўнг томонга бурилиб, сой бўйлаб ўрларкансиз, бу сеҳрли сўқмоқлар сизни яна бир муқаддас тарихий қадамжо – асрий арчазорлар оғушидаги Богмозор-Барлос қишлоғи, бу кутлуг тупроқда ётган Мир Саид Халидуллоҳ ҳазратлари ҳамда ул зот тиклаган олти юз йиллик масжид томон элтади. Шайх Мир Саид Халидуллоҳ ҳазратлари, Сохибқирон Амир Темур пирлари Мир Саид Бараканинг кичик қардошидир. Улуғ Амир 1395 йили дамқисма хасталигига қалинган шайх Мир Саид Халидуллоҳ ҳазратларига мана шу Богмозор-Барлос қасабасини ерлари билан су-

юрғол ўлароқ тақдим этганлар. Ушбу маконда шайх ҳазратлари масжиду мадраса тиклаб, талаба ва шоғирларига сабоқ берганлар. Хукмдорлар, теваарак-атрофнинг ҳокиму ҳукамоларига адолат истаб мактублар ёзиб, фақир-фуқаро, ғариб-ғурабони хифзу ҳимояларига олганлар.

Ҳокон Шоҳруху Султон Улуғбек, Али Қушчию ва Бобо Хусайн Туркистоний каби улўғ шахслар қалам ранжила этган тарихий маскан айна дамда шоғли кечмиши, шавқатли ўтмишга муносиб ҳолатда эмас. Сохибқирон ҳазратлари «бахтли улусларнинг беқлари олим-уламо-лари ҳузурларига борадилар, бахтсиз элатларнинг шоиру шуаролари эса амирлари ҳузурига отланадилар» деган ҳадису шарифга амал қилган ҳолда ахли илм, адабиёту маърифат аҳлига мудом меҳру мурувват,

АДИБ ВА ЖАМИЯТ

мухташам оромгоҳни Навоий кон-металлургия комбинати бир ярим йилда қуриб ишга туширди. Бу файзли масканда комбинат ишчи хизматчилари каторида республикамиз илму фани, адабиёту санъати, маънавияту маърифати ҳамда халқ хўжалигига хизмати сингган инсонлар келиб истироҳат этмоқдалар. Оққайин, жўка, эман, павлония каби турли-туман подир дарахлар ва анвойи гуллар билан оро берилган оромгоҳни Ўрта Осиёда яна, дейиш мумкин. Энг замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан хизмат кўрсатувчи ҳамшира ва табиблар ширин сўз ва юксак малакалари билан сизга парвона.

Демак, оққан дарёлар окмоқда. Буюк Жаҳонгир отамиз бошлаб берган кутлуг ва савобли иш ул табаррук зотнинг вориси салафлари томонидан имону эътиқод, ихлосу шароф ила давом эттирилмоқда. Доно элимизда шундай бир ҳикмат бор: “Элга берсанг ошингни, эрлар силар бошингни, итга берсанг ошингни итлар ғажир бошингни”.

Яқин кечмиш замону тузумларда Зарафшону Мурун-тов, Зармитану Маржонбулоқ олтини тасарруфи давлату раҳбаримиз қўлида эмасди. Бир равоту айвон қурилса-да, иттифокнинг план-бюджетига киритилиши керак эди. Энди эса барчаси ўзгарди, улусга не керагу не керак эмаслигига миллий давлат ва ҳукуматнинг ўзи қарор беради.

Олтин-қумуши, пахта ёки Олмаликдан қазиб олинган мисми, ундан келган даромадда чўпону этиқдўз, олим-муаллим, миллатидан, қасби-қоридан қатъий назар, барча Ўзбекистон Республикаси халқининг ҳақи, насибаси бордир. Халқ бойлиги, миллий сарват улусга тенг тарқатилиб, ундан барча баробар баҳраманд бўлган мамлакатдагина адолат ва фаровон ҳаёт қарор топиши мумкин.

Жаннатмисол Туркистон тизмаси Зомин тоғлари бағрида яйраганча зира ва турли-туман доривор гиёҳларни терар эканмиз, бир қувончимиз учга қатланди. Ўриқзор сойида республика ёш ижодкорларининг анъанавий Зомин семинари иш бошлади ва уч кун мобайнида баркут арчазорлару жўшқин сойлар симфонисига насру назм сўзу соз ҳамоҳанг бўлди.

Истироҳат учун хоналаримизга қирар эканмиз, “ойнаи жаҳон”да Фарғонада тошдан йилгига етти минг тонна қозғош ишлаб чиқариладиган завод ишга тушгани ҳақидаги хушхабарни эшитиб хурсанд бўлдик. Бу – биз, ёзувчиларнинг асрий орузимиз, миллиардлаб валюта давлатимиз хазинасига қолажанинг муждаси эди.

Шарқирок сой бўйига энаркансиз, димоғингизга қаддон бир хид урилади. Бу жийда гулнинг қўқиси эди. Тошкентдан уч ой кейин, ёзининг учдан иккисини ўтиб бўлганда жийда гуллаган гўшани кўрганмисиз? Зоминсойу Ўриқли-сой қирларида қизғалдоқлар ҳам энди чечак очди. Бу ерда ўриқлар сентябрда пишди.

– Сақкиз йилдир бу қирларда зира бўлмас эди. Бу йили мўл ёғингарчиликнинг шарофати билан қоп-қоп зира термоқдамиз, – дейди Дуоба қишлоғида китобсевар қирғиз тувганим Шоҳрух. – Жовуи жовмаса зира бўлбуйди.

– Оққуврай гули асалнинг қилосини кўтарасига ўттиз мингдан бераман! – дейди асалчи қардошим Исмаилов ис-тироҳатчиларга.

Асалчи ва харидорлар йигирма икки минг сўмга келишадилар.

Ҳа, Зоминда қизғалдоғу жийдалар энди гуллади. Ташир-фимизнинг тўққизинчи қуни хоналаримизни эгаллаган арчанинг ақимтиллисининг ўрни ёқимли хид билан тўлди. Бу тоғнинг шоҳона чечаги – қийик ўтининг иси эди.

Қуёш нурида товланганча порлаётган гулхайрилар сизла саломлашини орузида солланади.

Эндилликда мамлакатимизнинг туризм, сайру саёҳат божкентига айланаётган мухташам иншоотлар, ободончилик бобида тарихий одимлар ташланаётган, қадим ва навқирон, гўзал ва қўноқсевар Зомин эса сизни меҳру муҳаббат, сидку садақат, марҳамату мурувват ила ўзига беқлайди.

Шоир даврга оид илк манбаларда, хусусан, Абдураззоқ Самарқандийнинг ҳижрий 872/1467-1468 — 875/1469-1470 йиллар оралигида Хиротда тузилган "Матлаи саъдийи ва Маъмаи баҳрайн" номи тарихий асарида айтилишича, "Амир Алишернинг аждодлари қадим замонлардан улуғ амирлар қаторидан жой олган. Умаршайх мирзо (Амир Темурнинг иккинчи ўғли) хонадони давлати даврида қўлалтирилган (эмикдош) даражаси эътибор қалами билан давр лавҳасига ёзиб қўйилган...". Уша даврнинг бошқа манбалари, Мирхондиннинг "Ризат ус-сафо" ҳамда Хондамирнинг "Хулосат ул-ахбор" каби тарихий асарларида ҳам бунинг тасдиғини топишимиз мумкин. Навоийнинг ўзи ҳам бунинг инкор этмайди: "Ота-отадин етти пуштга дегинча бу рафъи дудмоннинг бойири бандаси ва бу васити остонинг мавруси тугмаси, яъни бу хонзоданинг хонаводаси ва бу хонаводанинг хоназодаси"; бошқа бир ўринда эса бунинг янада ёрқинроқ ифодалади: "Агарчи бу хоксорнинг

ота-бобоси ул ҳазрат (Хусайн Бойқаро)нинг обо ва аждоди хизматларидаким, ҳар бири саттанат конининг заҳари ва ишжонат бешасининг заҳари эрилар — улуғ маротибга сазовор ва бирик маносибга қамгор бўлган эрдилар". Демак, Навоий аждодлари Амир Темур даргоҳида улуғ хўрматга сазовор шахслар бўлган. Тарихчиларнинг зўвоҳлик беришича, Хусайн ва Алишер Навоий аждодларининг ўзаро яқинлашуви тарихи Амир Темурнинг иккинчи ўғли Умаршайх мирзога (1356—1394) бориб тақалади. Барчага маълумки, Амир Темурнинг отаси Амир Тарагай (1360 йили вафот этган) шахрисабзлик, онаси Тегина Хотун (1353 йили вафот этган) эса бухоролик бўлган. Навоий аждодларининг ҳам келиб чиқиши шу минтақага боғлигани ҳақида тахмин қилса бўлади. Темурийлар тарихига оид бир неча тарихий асар мавжуд. Уларда 1362 йилдан 1370 йилгача Темурнинг Мовароуннахр тахти учун кураши даври бўлганлиги аниқ қайд этилган.

Шухрат СИРОЖИДДИНОВ,
профессор

АМИР ТЕМУР ВА АЛИШЕР НАВОИЙ АЖДОДЛАРИ

УМАРШАЙХ МИРЗО ИБН АМИР ТЕМУР ВА АНДИЖОН

Умаршайх мирзо Амир Темурнинг иккинчи ўғли бўлиб, ҳижрий 756/1355 йили Сохбикироннинг Тўлини Ога исмли иккинчи хотинидан туғилган. Амир Темур 773/1371-1372 йили Андижонни забт этгани ва 17 ёшли ўғли Умаршайхга топширади. Умаршайх ўша даврда барча подшолик сулолаларида урф бўлганидек, ўзининг барча мурабийлари, мулозимлари, хизматчилари ва оиласи билан Андижонга қўчиб ўтади. Бу вақтга қадар Умаршайх уйланган бўлиб, Пир Муҳаммад исмли бир ўғли бор эди. Тарихчилар ва Навоийнинг ўз таъкидларидан улар орасида Навоийнинг аждодлари ҳам бўлганлигини аниқлаш қийин эмас. Андижонда Умаршайх Хизр Ўғлоннинг кизи Мулкат Оғага ҳам уйланади. Бу никоҳдан икки ўғил дунёга келади: Искандар мирзо ва Бойқаро мирзо. Манбаларда катта ўғилнинг туғилган йили 1384 йил сифатида қайд этилган. Бойқаро эса икки-уч йил ўтиб, туғилган бўлиши мумкин.

Амир Темур 783/1381-1382 йилда Хуросонга юриши қилади. Умаршайх Андижонда қолиб, Қошғар ерларини эгаллаш билан шуғулланади, Камариддин бошчилигида Тўхтамыш томонидан юборилган Тўқмоқ қўшини билан жанг қилади. Амир Темур 793/1391 йили Умаршайхга ёрдам бериш учун ортга қайтади ва душманини ер тизилатади. Бир йилдан сўнг, 794/1392 йили Амир Темур Эронга юриши қилади. Умаршайх ҳам у билан бирга кетади. Темур 795/1392 йили Музаффарийларни мағлуб этиб, Форс (пойтахти Исфахон) мамлакатини эгаллайди. Форс мамлакатини шахзода Умаршайх мирзо бошқарувида топширилади. Шу пайтдан бошлаб темурийлар хозирги Афғонистон ва Эрон ҳудудларида мустахкам ўрнашадилар. Абдураззоқ Самарқандий Умаршайх Форс мамлакатига ноиб этиб тайинланган, ёш балиқчини олиб келиш учун ўз одамларини Андижонга юборганлигини айтган. Амир Темурнинг Яқин Шарқдаги навбатдаги 5 йиллик уруши 794/1392 йили бошланганлиги инобатга олинса, Умаршайхнинг оиласи хозирги Ўзбекистон ҳудудидан Эрон ерларига тахминан Искандар мирзо 5-6 ёшлигида, Бойқаро мирзо эса 3-4 ёшлигида қўчиб ўтган, деб тахмин қилиш мумкин. Табиийки, Умаршайх оиласига эмикдошлик робиталари билан боғланган Навоий аждодлари ҳам Форс давлатига қўчиб ўтишган.

ХУРОСОНДАГИ ҲАЁТ

Айтиш мумкинки, шу пайтдан бошлаб, яъни Умаршайх оиласи Шерозга қўчиб ўтиши билан Бойқаро ҳаётининг тарихи Хуросон билан chambarchas боғланган. Бойқаро мирзо ҳаётининг ўрганилиши Навоий оиласининг Хуросонга қўчиб ўтиши билан боғлиқ қўлаб ноаниқ ҳолатларини ойдинлаштирилади. Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишича, Умаршайх Шерозда бир йил турган ва кейин Амир Темур томонидан Сурия йўлидаги Дибраккага қўмак учун чақиртирилган. Умаршайх тўнғич ўғли Пир-муҳаммад билан отасининг ёнига қўнаб кетади, ҳокимиятни эса иккинчи хотини Мулкат Оғадан туғилган ўғли Искандар мирзога топширади. Бу пайтга келиб, 40 ёшда бўлган Умаршайх 796/1394 йилнинг рабиъ ул-аввал ойида тўсатдан Қўрдистондаги Муҳазрий калъаси деворлари ёнида минорадан отилган ўқдан ҳалок бўлади. Сохбикирон фармонино биноан у Шерозда дафн қилинади, кейинчалик эса жасади асл ватани Шахрисабзга қўчирилади. Яздийнинг ёзишича, унинг аёллари Севинч Қутлуг, Бека Мулк Оға ва Мулкат Оға ҳамда унинг фарзандлари, жумладан Искандар Шерозда қолдирилади.

Урушдан кейин 24 яшар Пирмуҳаммад қайтиб келиб, Форсини бошқаради. Унинг укаси Рустам мирзога Ажам Ироқи (пойтахт Исфахон билан Ироқнинг бир қисми) топширилади. Искандар Хамдоннинг ҳукмдорлиги этиб тайинланади. Табиийки, ўша йиллар қондасига қўра, Искандарнинг онаси кичик ўғли Бойқаро билан Искандар ҳомийлиги остида яшашган. Орадан кўп ўтмай, Амир Темур Умаршайх оиласи Шоҳрух ҳомийлигида узоқлашмаслиги учун Мулкат Оғани кичик ўғли Шоҳрух мирзога никоҳлашга қарор қилади. Бойқаро Искандарнинг ёнида қолади, онаси эса Хиротга қўчиб ўтади. Тез орада, яъни 1395 йили Мулкат Оға ўғил туғди, унга Суюрғатмиш мирзо деб ном қўйилади.

Амир Темур вафотидан сўнг шахзодаларнинг тахт учун курашлари бошланиб кетади. Амир Темурнинг ўғли Мироншоҳ 1408 йили Қора Кўйунлу туркманлар билан тўқнашувда ҳалок бўлади. Озарбойжон ва Ажам Ироқи ерлари туркманлар қўлига ўтади. 1410 йили суикасд оқибатида Пирмуҳаммад ҳам вафот этади. Шероз Искандар тасарруфига ўтади. У укаси Бойқаро билан бирга Хамдондан Шерозга қўчиб ўтади. Сал ўтмай, Искандар Озарбойжон ва Ироқни қайтариб олишга му-



ваффақ бўлади. Шоҳрух мирзо фармони билан (эхтимол, Мулкат Оға ташаббуси биландир) 1412 йили Бойқаро Ажам Ироқи, жумладан, Хамдон, Вуруж, Нахаванд ва Луристонга ҳукмдор этиб тайинланади. 1413 йили Искандар Шероздан Исфахонга ўтади ва у ерни ўз пойтахтига айлантиради. Искандар мирзо Форс ва Ажам Ироқини мустақил бошқара бошлайди. 817/1414 йили Искандар мирзо Шоҳрухга бўйсунмай қўяди, жадди чиққан ҳукмдор лашкар жўнатиб Исфахонни қамал қилади. Искандар таслим бўлади. Шоҳрух Искандарни хисбга олиб, Исфахонни ўғли Рустам мирзога, Шерозни эса невараси Иброҳим султонга топширади. Искандар Бойқаро мирзони Шоҳрух қарорига қарши чиқишга даъват қилади. 1415 йили Бойқаро Иброҳим султонни Шероздан қувиб чиқаради. Шоҳрух ғазаб билан Шерозга бостириб боради ва Бойқаро мирзони шахзода Қайду мирзо бошқараётган Қандахорга сургун қилади.

АЛИШЕР НАВОИЙ ҚАЕРДА ТУҒИЛГАН?

Бойқаро Қандахорда икки йил яшайди: 1415 йилдан 1417 йилгача. Икки темирйўзда ўртасида юзга келган низо боис Шоҳрух Бойқаро мирзони Қандахордан қачириб олишга мажбур бўлади ва 820/1417 йили уни Самарқанд ҳукмдори Мирзо Улуғбек қўлига топширади. Бойқаро мирзо муайян муддат ўтгач, ўша ерда вафот этади. Шу пайтдан эътиборан Мулкат Оқо Бойқаро хонадонининг ягона таъинчиси айланади. У бу вақтда Балхонхон ноиблигини топшириб, ҳижрий 821/1417-1418 йили Қобул ва Ғазни ерларига ҳоким қилиб тайинланган ўғли Суюрғатмиш мирзо билан Қобулда яшар эди. Бойқаронинг ўғиллари Муҳаммад ва Ғиссиддин Мансур ва уларнинг яқинларидан бўлган Ғиссиддин Кичкина оиласи Қобулга қўчиб ўтишди. Навоий тоғаси Мир Алини Қобулий (яъни қобуллик) тахаллуси билан ёлга олганини хисобга олсак, ишонч билан тахмин этиш мумкинки, Алишернинг отаси Ғиссиддин айнан Қобулда уйланган. Суюрғатмиш мирзо ҳижрий 830 йил муҳаррам ойининг 16-кунида (1426 йил 17 ноябрда) вафот этади. Унинг ҳукмронлиги ва ерлари меросхўри Султон Маъсуднинг қўлига ўтади, 843/1439-1440 йили эса акиси Мирзо Қорачор билан низолари сабаб, Шоҳрух амрига биноан унга тахтни топширади ва пойтахтга қайтади. 844/1440 йили Мулкат Оқо вафот этади. Мулкат Оқо вафотидан кейин Бойқаро ва Навоийларнинг оилалари Ироқи Ажамдаги Сова шахрига (ҳозирги Эроннинг ғарбий қисми) қўчиб ўтишган. Тарихчи Хондамир бобоси Мирхонд томонидан тугатилмай қолган етти томли "Равзат ус-сафо" тарихий асарини яқунлар экан, шахарлар таърифи қисмида Сова шахрининг фазилати айнан шу ерда Али-

ИККИНЧИ МАҚОЛА

шер Навоийнинг туғилганлиги билан белгиланиши алоҳида таъкидлаган (Равзат ус-сафо, 27. Фурсатдан фойдаланиб, адабиётшунос А.Абдусаломовга Хондамирнинг мазкур маълумотига эътиборини қаратгани учун миннатдорлик билдираман). Бойқаро ва Алишер Навоий оилалари Қобулдан аввал Хиротта ва кейин Сова шахрига қўчганларми, бу ҳақда манбаларда айтилмагани боис, бирор нарса дейиш қийин. Манбалардан бизга маълумки, Хусайн Бойқаро ҳижрий 842 йилнинг муҳаррам ойида (милодий 1438 йилнинг июл ойида) туғилган. Демак, у Қобулда туғилган, Навоий эса мантиқан ўйлаб қўрилса, орадан кўп вақт ўтмай янги жойга қўчгандан кейин туғилган.

Сова Ажам Ироқида, хозирги Эроннинг Кум шаҳридан 64 км. ғарбда жойлашган. Эҳтимол, у пайтда Сова шахри Бойқаро ва Навоий оилалари учун маҳаллий темурий ҳукмдорларнинг ҳомийлигида яшаш мумкин бўлган энг маъқул ва қулай жой бўлгандир. Ҳижрий 846/1442-1443 йилдан Ажам Ироқини Мирзо Бойсунгурнинг ўғли Султон Муҳаммад бошқарган. Бироқ 847/1443-1444 йили ўлпон йиғишда йўл қўйган баъзи зуравонлик ҳаракатлари туфайли Шоҳрух мирзо унинг ҳокимиятини чеклашга қарор қилади, фақат Султония ва Қазвини унинг ихтиёрида қолдиради. Бошқа барча ҳудуд вақтинчалик бошқарув учун Хўжа Шамсиддин Муҳаммад Бухорийга топширилади. Эҳтимол, юзга келган сиёсий бекорор вазият Навоий оиласини Совани тарк этишга мажбур қилгандир, негаки, кейинги йиллари биз уларни Хиротда кўрамыз.

АЛИШЕР БОЛАЛИК ЧОҒИДА ХИРОТДА ЯШАГАНМИ?

Навоийнинг ўз сўзларидан маълум бўлишича, Шоҳрух вафотидан кейин 1447 йили унинг оиласи Хуросондан Ироққа йўл олган, у пайтда Алишер 6 ёшда бўлган. Бу улар бир муддат Совода яшаб, кейин Хуросонга қайтганлигидан далolat беради. Балки у Хуросон деганда Хиротни назарда тутгандир. Шоҳрух вафотидан кейин пойтахтга содир бўлиши мумкин бўлган тартибсизлик ва ғайивалардан ҳоли бўлиш мақсадида улар аввалги, ўзларига таниш тинч жойларга боришга қарор қилишгани аниқ. Империянинг узок ғарбий ҳудудлари айна вақтда макбул жой эди. Йўлда улар Шарафиддин Али Яздий яшаган Тафт шаҳрида тўхтаб ўтадилар.

(Ажам Ироқида элтувчи йўл Хирот, Тун, Тафт (Язд), Абарқух, Шероз, Қўшиқ Зард, Исфахон, Рай, Кум, Сова шахарлари орқали ўтган. Шунингдек, Луристон, Шулистон, Язд, Кирмон, Қошон, Ова, Симон и Дамгон ҳам Форс ва Ажам Ироқининг машҳур жойлари сирасига кириди). Шерозга келганда шу ерда туриб қоладилар. Чунки Шерозда Мирзо Султон Муҳаммад ҳукмронлик қилар эди. У Шоҳрух мирзонинг қаҳрига учраб ҳуқуқлари ва мулк қисқаргандан сўнг султоннинг вафотидан кейин Форс ва Ажам Ироқини қайтариб забт этиб олган эди. Ушбу факт Хусайн Бойқаро ва Навоийлар хонадонининг шахзода билан яхши муносабатда бўлганлигидан далolat беради. Шероз пойтахт эди ва хануз фан ва маданият маркази сифатида ўз макенини йўқотмаган эди. Алишернинг отаси ҳукмдорнинг алоҳида эътиборига сазовор бўлади. Навоийнинг ёзишича, Астрообда вафот этган Мир Шох Сабзаворийнинг ҳоки шахарга олиб келинганди отаси вақтинча шахарни бошқарган ("Маъжолес").

Мирзо Султон Муҳаммад ҳижрий 855/1451 йили Бойсунгурнинг бошқа ўғли Абдулқосим Бобур қўлида шахид бўлади. Шероз Абдулқосим Бобур қўлига ўтади ва у мазкур ҳудуд бошқарувини шахзода Султон Санжарга топширади (Абдураззоқ Самарқандий. Магълаб, 2-том, 3-қисм, 334).

1452 йили Абдулқосим Бобур Хуросон тахтини эгаллагач, Ироқда тинчлик ўрнатиш учун Шерозга келади ва бу ерда 4 ой қолиб кетади (Абдураззоқ Самарқандий. Магълаб, 2-том, 3-қисм, 334). Навоийнинг қўлаб замондошлари бир овоздан таъкидлашларича, Абдулқосим Бобур икхидорли ёш Алишерга алоҳида меҳр билан қараган (Давлатшоҳ Самарқандий. Таъкират уш-шуаро, 368). Эҳтимол, уларнинг ўзаро яқинлашуви, навоийшунослиқда айтиб келинаётганидек, Хиротда эмас, айнан шу ерда содир бўлгандир. Зеро,

манбаларнинг далolat беришича, Бобур Шерозда кўп вақтини саройнинг машҳур инсонлари, олимлари ва мутафаккирлари билан суҳбатда ўтказган (Абдураззоқ Самарқандий. Магълаб, 2-том, 3-қисм, 334). Фахрий Ҳиравийнинг қайд этишича, Мир Алишер 10 ёшда Абдулқосим Бобур хизматига кирган (Латифнома, 133). Алишер 10 ёшда Хиротда эмас, балки айнан Шерозда яшган. Шу ўринда айнан шу пайтда Абдулқосим Бобурнинг оқ фотиҳаси билан Хусайн Бойқаро ва Султон Санжарнинг кизининг унаштирилиши Шерозга фақат Навоийлар оиласи эмас, Хусайн Бойқаролар хонадонини ҳам қўчиб келганини, демак, Бойқаролар қаерда бўлса, Ғиссиддин Кичкина ота-боболари ҳам уларга ҳамроҳлик қилиб келишганини билиб оламиз.

НАВОИЙ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ХИРОТГА БОРИБ ҚОЛАДИ?

858/1454 йили Абдулқосим Бобур Шероздан туриб Сова шахрини эгаллаб олган ва Кумга юришни режалаштираётган туркманларга қарши курашга отланган аснода Самарқанд ҳукмдори Султон Абу Саиднинг Хирот тахтини эгаллаш мақсадида Амударёдан кечиб ўтиб, Балхда тўхтагани тўғрисида хабар келади. Абдулқосим Бобур Хиротга қайтишга мажбур бўлади ва Самарқанд томонга ҳаракатланади. Абу Саид чеккинади. Бобур қўшинлари Самарқандни қуршаб олади. Икки темурий ўртасида тинчлик битими тузилади. Бобур Хиротга қайтади. Хусайн Бойқаро, Абдулқосим Бобурнинг қўшини сафига қўшиб, Самарқандга боради. Сулҳ тузилади, акиси ва жиянлари билан Самарқандда қолиб, Абу Саид хизматига кириди (Абдураззоқ Самарқандий. Магълаб, 2-том, 3-қисм, 372 — 373. Абдураззоқ Самарқандийнинг ёзишича, Бобур қайтгандан сўнг Хусайн Бойқаро ва унинг акиси Абу Саидга хизмат қилиш учун Самарқандда қолади ва тез орада фитнада айбонлиб, зиндонбанд этилади. Абдулқосим Бобурнинг илтимосига қўра, Абу Саид мирзо Хусайнни озод қилиб, уни Хиротга жўнатади. У ерда Хусайн Султон Санжарнинг кизига уйланади. Қаранг: Магълаб, 373, 473). Абдулқосим Бобур Шерозни тарк этгач, тез орада Ғиссиддин Кичкина хонадонини ҳам Шероздан Хиротга қайтган бўлиши керак. Табиийки, Шерозда қолиш жуда хавфли эди. Чунки тарихчиларнинг маълумотида қараганда, ҳижрий 858/1454 йили бутун Форс, Ажам Ироқи, Озарбойжон ва Каспийбўйи ерлари туркманлар қўлига ўтган. Шубҳасиз, Абдулқосим Бобур тахтга чиқиб, тинч ҳаётдан дарак берган Хирот Алишернинг оиласи учун ягона бошлана эди. Шу даврдан эътиборан, айнан 1454 йилдан Хирот Алишернинг ўзи ва ота-онаси учун домий яшаш жойига айланган.

Алишер Навоийнинг ота-боболари Амир Темурга жуда яқин инсонлардан саналган манбаларда бир овоздан тасдиқланган. Унинг Андижон шеvasида гапиргани ва аждодининг Умаршайх мирзо хонадонини билан боғлиқлиги ҳам манбаларда кўрсатилган. Тарихий шароит ва салтанат қондаларига биноан, унинг аждодлари темурийлар билан бирга она юрти — Мовароуннахрни тарк қилишган. Бу инкор этиб бўлмас далил. Ўзбек халқи Алишер Навоийнинг ҳамшахси ўз ватандоши ва туркий тилли халқларнинг буюк шоири деб билган. Шоир аждодларининг Форс ва Ажам Ироқидаги (1387 — 1415 ва 1447 — 1453 йиллар, жами 34 йил) ва Қобулдаги (25-27 йил) давомли ҳаёти Ватандан тақдир такозоси билан вақтинча узоқлашиш маъносидеда тушунилиши керак. Чунки темурийлар қаерда яшамасинлар, ҳамшаха Мовароуннахрни она Ватани деб билганлар. Шу сабаб, қўлаб темурий ҳукмдорлар, жумладан, Хуросон ҳукмдори қудратли Шоҳрух мирзо ҳам Самарқандда дафн қилинган.

Ғарб олимларининг "Навоий Хиротда туғилган, ўзини ўзбек деб хисобламаган, қолaversа, ўзбек қабилаларига нисбатан кескин салбий муносабатда бўлган" (Космарский А. 2018, 20 июля www.Fergana.ru) деган айрим мулоҳазалари уларнинг ўзбек миллатининг шаклланиш тарихини, айниса, темурийлар тарихини яқини билмаслигидан, буюк шоир ва мутафаккирнинг шахсияти, қарашлари борасида етарли тасаввурга эга эмаслигидан далolat беради. Навоий Захриддин Бобур билан ёлвашган қўчманчи ўзбекларга нисбатан ҳеч қачон салбий муносабатда бўлмаган.

ИЛҲОМДАН МЕРОС ТАБАССУМЛАР

Хотира уйғонса гўзалдир. Бу сўзлар моҳир ҳажвичи ва шоир Илхом Зойир учун айтилгандай. Уни эсласам кўз олдимда жилмайиб турган чехраси намоён бўлаверади. У ким билан суҳбатлашмасин бирор ҳазиломуз лўма ташлаб, суҳбатдошини қудирарди. Агар суҳбатдоши ҳазиллашса, дарров илгарди. У жилмайганда чарқиларни қўйиб ўхшарди.

Унинг "Ўнтакдан тўқилса" номли ҳажвийси 1980 йилда "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида босилган эди. Илк ҳажвийси матбуотда чиққандан қувонган Илхом қаламини қайрашга ҳам улгурмади, уни ҳарбий хизматга чақирди.

1983 йилда ҳарбий хизматдан қайтиб, нашриётга ишга жойлашди. Ўзига юклатилган вазифани бажариш билан бирга ҳажвийлар ҳам ёза бошлади. Кейин шу нашриётда муҳаррир бўлиб ишлади. Бу даврда тажрибали ёзувчи Носир Фозилов ижод мактабидан баҳраманд бўлди. 1992 йилда таниқли ҳажвичи Ёшмат Аминов бошқараётган "Муштум" журналига масъул вазифага қақирди. Илхом матбуотда чоп этилган ҳажвийларини тўплаб, 1995 йилда "Тарсаки" номли китоб нашр қилди.

ЎДНОМА

Ўша йили у қадрлон Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриётига қайтиб, баш муҳаррир вазифасида фаолиятини давом эттирди ва кетма-кет "Елпатак", "Табассум бекати", "Қоиласи шунақа", "Тўғри сўзининг тўқмоғи" ҳажвий китобларини чиқарди. Китобларидаги кишлоқдан келган Бозорбойнинг трамвайни кўрганда, "Поезднинг боласими?" деб сўраши, рус аёлининг боласи билан гаплашганлигини эшитганда, "Русларнинг кичкина боласи ҳам русчани билар экан" дея хайратланиши каби хангомалари тилга тушди.

Илхом 2004 йилда Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйига ишга ўтди. Олдин бўлим мудири, кейин баш муҳаррир вазифасини бажарди. Шу кутлуг даргоҳда Илхомнинг илҳоми булоқдай қайнади. Чет эл адабиётидан бир қанча таржималари чоп этилди. Ёзган сценарийлари асосида бир неча бадиий фильм суратга олинди, комедиялари сахналаштирилди.

Бу даврда нашриётда ҳам иш қайнарди. Ҳазрат Навоийнинг 10 жилдлик китоби, "Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари" 100 жилдлик, Фариддин Атторнинг "Мантик ут-тайр" ва мумтоз адабиётимизнинг ноёб намуналари, таниқли адабиётимизнинг кўп жилдликлари ва жаҳон адабиёти дурдоналари, "Мақтаб хрестоматияси" туркуми, ўнлаб дарслиқлар нашрга тайёрланди.

Илхомнинг фаолиятига назар ташлаб беихтиёр машҳур авар шоири Расул Ҳамзатовнинг қуйидаги сўзлари эсимга тушди: "Батдан менга шундай туйиқли, атрофимдаги ҳамма одамлар ишлайпти, мен бекор йорганга ўхшайман...". Ҳа, бундай фикр кўпчиликнинг ҳаёлидан ўтса, ажабмас. Илхом ҳаммага ибрат бўлиб, ҳалол меҳнат қилди. Унинг меҳнатлари муносиб тақдирланиб, 2008 йил "Дўстлик" ордени билан мукофотланди.

Афсуски, қанчалар завқли бўлмасин ижодий меҳнат ҳам кишини ҳолдан тойдиради. Илхом ҳам бир неча марта касалхонада ётиб, даволанишга мажбур бўлди. Охири марта телефонлашганимда соғайганини айтди. Унинг ҳазил-хузул гапларидан, айниса, соғайганидан хурсанд бўлдим. Аммо 2018 йил 18 январь куни кечқурун "Тез ёрдам" машинаси Илхом Зойирни охириги марта поликлиникага олиб кетди...

Сал илгарироқ Илхом нашриётга "Биз ёлғиз эмасми" кассетаси, "Ажал сўқмоғи" ва "Тоғ эгаси" романларининг қўлёзмасини топширган экан.

Илхомнинг қайси асарини ўқиманг, тасвирларидан чехраниг ёришди, қаҳрамонлари сўзларидан юзингизга табассум югуради. Илхом ҳаётда ҳам, ижодида ҳам бизга табассумни мерос қолдирди. Мен уни ҳар гал эслаганимда кўз олдимда жилмайиб турган чехраси намоён бўлади. У жилмайганда чарқиларни қўйиб ўхшарди.

Асрор МҲМИН,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

"MOZIYDAN SADO" 2019 йил 3-сон

Ўзбек, рус ва ўзбек тилларида чоп этиладиган рангли-беэали журналнинг навбатдаги сони С.Хасановнинг "Навоий асарлари Хиндистонда" мақоласи билан бошланади. Унда Хиндистон олимларининг буюк мутафаккир Алишер Навоий ижодий мероси ҳақида яратилган қатор мана ва қўлёзмалари ҳақида сўз боради. "Самарқанд музейи фондидан" мақолада Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси қадимшунослик жамланмаларида аниқланган ноёб топилавлар ҳақида даракласа, У.Худойбердиева ва Ғ.Шарипованинг "Бактрия капителлари" сарлавҳали мақоласини ўқиб Сурхон ҳудудига ўтказиб келинган археологик тадқиқотлар ва қўлга киритилган топилавлар борасидаги янгиликлардан хабардор бўласиз.

С.Очилова, Ж.Абдурахмоновнинг "Шахрисабз қабр-тошлари" мақоласи орқали Шахрисабздаги "Оқ сарой", "Дор ут-тиловат", "Дор ус-саодат" мажмуалари ҳудудларида олиб борилган меъморий-археологик тадқиқотлар, у ерда топишган беэали қабр-тошлар тўғрисида маълумот олиш мумкин. Москвалик истейодли расом Владимир Тимиревнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида Венера Кимнинг "Оқшом манзараси"да ўқийсиз. Қ.Раҳимов "Ҳожа Муҳаммад Ориф Ревгарий" мақоласида Ҳожа Муҳаммад Ориф Ревгарий ҳаёти ва ижоди, унинг ҳожоган-нақшбанд тарикати таълимотини тарғиб этиш билан бирга ушбу таълимотта киритган янгиликлар ҳақида қизиқарли баён қилади.

Шунингдек, журнал саҳифаларидан А.Зияевнинг "Шайхонтоҳур меъморий ансамбли", А.Хўжаевнинг "Марказий Осиё ва Хитойнинг маданий-ўхшали алоқалари", А.Ҳақимовнинг "Сугда Зардуштийлик таълимоти", З.Муродовнинг "Бахшичилик санъати" сингари бир-бирдан салмоқли мақола ва тадқиқотлари ҳам ўрин олган.

Хусан ҲАЙИТОВ,
ўқитувчи



Шухрат СИРОЖИДДИНОВ, профессор

— *Адабиёт ахли орасида кинематографияга беписано қарши сезилади. Назму насри элломийдиган истеъодсизлар ўзини кинога уриб кетмади, деган гаплар юради. Сиз ҳақингизда, албатта, бундай деб бўлмайди. Бугунги ўзбек адабиётида ҳикоя ёки роман ҳақида гап кетса, Мурод Мухаммад Дўст ва асарлари эсланиши аниқ. Кинони ҳам шу сирага қўйиши мумкин. Тенгшур ёзувчи-шоирлар орасида бу томонга биринчи бўлиб бўйлагансиз, билишимча. Нимаси тортган?*

— Сабаби жўн — киностудияга ишга кирганман. Институтдан кейин бир-икки жойга бош урдим, лекин катталарига турким ёкмади. Раҳматли Ўлмас Умарбеков «Ўзбекфильм»да директор эди. Ишсиз юрганни биллиб, киностудияга таклиф қилди. Бордим, жойлашдим. 150 сўм ойлик тайинлади. Шаронт яхши эди. Яхшичи, хоҳласанг ишга борасан, хоҳламанг — йўқ. Аммо кичкина шартти бор — йил давомида битта сценарий ёзиб берасан.

Беш йил ичида ёзган нарсаларимдан биттаси ўтди. «Эртанги кун сабоқлари» фильми (1983). Қишлоқ муаллими ҳақида. Недир ижтимоий гоёлар бордай эди. Бугун кўришга арзаймади. Режиссёр ҳам, мен ҳам тажрибасиз эдик. Эсимда қолгани — Одилшо Агишев, Шухрат Аббосов ва Александр Пан бизга беминнат ёрдам бергани. «Галатеялик авлиё» — режиссёр Темуралиқ Юнусовнинг диплом иши (1986). Телевизорда кўп кўяди, деб эшитаман. Томошабинларнинг жонига тегиб кетган бўлса, ажабмас.

— *Бир умр кинога оралаб юрган, уч-тўрт йил соҳанинг каттаси бўлган одам (2002–2005 йиллар «Ўзбеккино» ДАК раиси), яъни ўзлари: «Қишлоқнинг чанқоқчасидан, шаҳарнинг жинққчасидан режиссёр этишиб чиқмас экан, миллий кинематографияни кўтариб бўлмайди», дегандай гап қилганди. Айтинг-чи, кинораҳбар пайтингиз шу ишга қанчалик ҳисса қўйиш олдингиз? Бугун ўша йилларни эсласанда ички қониқиш сезасизми? «Менинг давримда ишланган!» дея қайси фильмларни алоҳида санаб кўрсатишни истардингиз?*

— Кинога оралашни атай орзу қилмаганман. Такдир эканки, аввал четрқдан, кейинроқ бевосита аралашувга тўғри келди. Хабар соҳасида тинчгина ишлаб юрган пайтимда марҳум каттамир чакириб, кинога ўтишни сўради. Такрорлайман: бююрган йўқ, сўради. Аввалига кўнмадим, лекин Исло Каримов менинг нозик жойимдан тутди: «миллат» деб қариллашга устасан, ўша ерга бориб, миллий кино қилмайсизми? Мен ҳам анойи эмасман, дарров аниқловчи саволи бердим: ортиқча назоратсиз, эркин ишлашга қафолат берасизми?

Хуллас, отгаки қафолатни қўнгилга солиб, кинога ўтдим. Баъзида, шу ишим умримда қилган хатоларимдан энг каттаси бўлди, деб ўйлаб қоламман. Лекин бандаси оғиз-да, ўша замонда менга қарши беаёв от сурган баъзи одамлар ҳам бугун, қамини турли амаллардан кетиб, салкам узлатга чекинган ва ошқина дурфага ҳожаат қолмаган пайтда, негадир ўша мең диллаган даяр ҳақида икки оғиз яхши сўз айтганида ҳаёлим яна чувалашиб кетяди.

Эсласам, киночилик орасида ўтган тўрт йил умрим раисликка эмас, диалоглар тахририга сарф бўлган экан. Баъзида фильм монтажига ҳам аралашинишга тўғри келарди. Секин-секин актёрларимиз экранда чиройли кўриниш шарт эмас, деган содда ақидага қўника бошлади. Шевада эмас, адабий тилда бинойидай гапиришни ўрганди. Шева ҳам қолди, лекин у фақат қаҳрамон тарихини, характерини очинишга хизмат қилди. Қарангки, фильм қаҳрамонларининг ёшига, касбига, тутган мавқеига хос гапириши, юриш-туриши, хаттоки кимнинг олдиди ўзини қандай тўтишини ҳам олдидан муҳокама қилишга ўтдик. Қисқаси, талаб битта эди. Кино — ўйин, ўйин эса гирромсиз бўлиши шарт. Энди сезаманки, мен ўзим орзу қилган миллий кинони табиийликдан излаган эканман. Қишлоқнинг чанққчасида ёки шаҳарнинг жинққчасида улоқиб, халласлаб, силласи қуриб чопган болалар ҳақидаги орзум ҳам шу изловнинг бир қисми эди, ҳолос. Сўз ёки тасвири такдир дея танлаган одам ўзи кўрган ва ич-ичидан ҳис қилган воқеаларни, одамларни, манзараларни ёзганида, суратга олганида ёки чизганида гирромликка ўрин қолмайди. Эка холда, мен бир киноқиссада ўқиганимдек, қўйлар тоғда қурилган кўтонда қишлоқда, уларга ем-хашак пастдаги қишлоқдан минг азоб билан олиб борилади. Ўша муаллифга қўйлар тоғдаги яйловда борилардан қузғана ўтлашини, кейин қўйроқда ташиб олинишини ҳеч тушуниролмадим. Муаллифга ҳақикат эмас, «қоллижани» керак эди, яъники, мард ва дўлвор чўпон киши фаслида узок тоғдаги кўтонда бир сурув қўй билан ёлғиз ўзи ҳафта тутал қолиб кетяди ва қор бўронидан қишлоқдан икки телажка сомон келтириб, «оҳалк мулкини» асраб қолади. Икки телажка сомон битта сурувга ярин қунга ҳам етмаслигини айтиб ўтирмаган, арпа тўйимлироқ, дедим, икки телажка арпа опкелсин. Ўшанда киноқисса мендан нарки ўтмади, кейинги тақдирдан хабарим йўқ, балки суратга олиниб кетган бўлиши ҳам мумкин. Бундай дейишимга сазам шуки, мен яроксиз деб қайтарган ўта саёз ёки ҳом-хатала матиларнинг ақсарияти ўтган ўн беш йилда кино бўлиб экранга чиқди. Раҳматли Рауф Парфи таъбири билан айтганда, бадий фильмга эмас, «бадий пулга» айланди. Лекин бу — мутлақо бошқа мавзун, кино соҳасига масъул одамларнинг инсофи ва талабчанлик даражасига боғлиқ.

Саволнинг охирига келсак, ўзим ишлаган пайтни дабдурустан «менинг даврим» деб аташга журъатим етмади.

— *«Ўртоқ Бойкенжаев» (2002), «Танка» (2003) картиналари титрса қарасак, сизга алоқаси йўқдек. Бироқ ҳали-ҳануз даварларда «Мурод оқхоннинг фильми», дея фахр туйиб гапиришиб, кейин шу маълумот устида баҳс боёлашиб, ёкалашиб ётишяди. Гафур Ғулом ҳикоялари асосида ишланган «Афанди ва Азроил» фильмига ҳам Мурод Мухаммад Дўстининг нуқси уриб қолгандек. Қалам-паламингиз тегиб кетган жойи борми? Ёки кинолар бадий кенгашишни зўри билан раҳбарга ўхшаб қолаётми?*

— «Ўртоқ Бойкенжаев» фильми матини мен ёзмаганман, Юсуф Розиков билан Абдухолик Абдураззоков ёзган, деб айтишдан чарчадим. Сюжет асли раҳматли дўстимиз, шоир Мухаммад Раҳмонга тегишли эди. Бир гал саҳийлиги тутиб, менга армуғон қилган эди. Лекин, минг афсуски, ўзим ёзоладим, вақтим бўлмади, кейин Абдухолик Абдураззоков «Ўртоқ Бойкенжаев» деган пиеса ёзди. Ундан кейин, кинога ўтган пайтларим шу сюжетни режиссёр Юсуф Розиковга эслатдим. У аввалига тижирлик қилди, кўнмади, ахирини кисталанг остида Абдухолик Абдураззоков билан биргаликда матн ёзди. Мен қайта тирғилиб, эл орасида юрадиган бир-икки воқеий латифани ҳам қўйишни илтимос қилдим. Буни ҳам инобатга олди. Қолаверса, Фарҳод Абдуллаев бош ролни берилиб ўйнадики, дўстлари бугунга қалдар унга ҳазил аралаш «ўртоқ Бойкенжаев» деб мурожаат қилишяди.

«Ўртоқ Бойкенжаев»га меҳрим баланд. Комедия ҳам, трагедия ҳам аралаш фильм. «Трагифарс» деб атасак тўғри бўлади. Юсуф Розиков ўзининг яхши режиссёр эканини яна бир бор исботлади: фильмдаги манзаралар, одамларнинг гапириши (диалоглар), хаттоки гирт уйдирма ҳолатлар ҳам жуда табиий чиқди. Яқинда фильмин қайта кўрдим. Недир хизматим сингганидан фахр туйдим. Лекин шу баробарида, қулликни, мутеликни Бойкенжаевга қўшиб кўмаминиз, деган ниятларимиз чиппака чиққанини ҳам сездим.

«Танка» ҳам эркинлик шароитида олинган фильм. Унинг ҳам ўз тарихи бор. Қорақалпоқ режиссёри Тўраниёз Қалимбетов ҳужжатли фильмлар билан халқаро киноқўриқларда катнашиб мукофотлар олган эрса-да, бадий кинода тажрибасиз эди. Шу боис бадий раҳбарлик Мелис Аб(ф)заловнинг зиммасига юкланди. Бирор ойча ўтиб, пиру халфа бўлиб, режиссёрлик матинни олиб келишди. Афсус-

Мурод МУҲАММАД ДЎСТ:

ЖУРЪАТ НОЁБ МАТОҚ БЎЛДИ

ки, матида муаллиф Муратбой Низанов ёзган гаплардан асар ҳам қолмаган эди. Нукул ўзбек актёрлари, нукул меъдага теккан ўзбекча «воха-воха»...

Аввалига юмшоқроқ қилиб, қорақалпоқ қани, деб сўрадим. Тўраниёз камтарона қимтиниб ўтирибди, Мелис ака фақат тапдир келди — Муратбой Низановнинг «ғариб сюжет»ини ўзининг салкам илохий нафаси билан тирилтирганидан гапиради. Бугун очик тан оламан: роса жаслим чиқди. Ўйлаганимнинг барини айтдим. Оқибат шу бўлдики, Тўраниёз Қалимбетов ўзбек «устоз»ларнинг исқанжасидан қутулиб, ижод жараёнида ўзи бек ва ўзи хон эканини тушуниб етди, ўзи танлаган ерда (Қорақалпоғистон), ўзи танлаган актёрлар билан (юз фозис қорақалпоқ), ўзи танлаган тилда (қорақалпоқча) росмана миллий фильм олди. Такдор айтман, бу фильмининг бор таровати айни миллий эканида. Ўзбекчага ўғириш шарт ҳам эмас эди. Ипидан игна-ситига қорақалпоқча фильм вақт зайли билан ўзбекнинг ҳам миллий фильмига айланди. Мени хурсанд этадиган тарафи ҳам шунда. Ўша ҳолатда «маъмурий-буруқбозлик» усулларини қўллаганимдан бугун хижолат чекаман, лекин «Танка»нинг кўрган томошабин бир қошиқ қонимдан ўтади, деган илнжам ҳам бор. Яна бир нарсаси: бугун ҳамма коррупцияга қарши томоқ йиртаётган замонда, биродарлар, бундан ўн беш йил олдин ўта камтарин қорақалпоқ режиссёри Тўраниёз Қалимбетов бу мавзун кўтариб чиққан эди, деб эслатиш келлади.

«Афанди ва Азроил» фильмига келсак, Гафур Ғуломнинг сўзларига тегишга юрак бетламаган, лекин тайёр фильмининг монтажга аралашганим рост. Думини бошга, бошини думга айлантиришни маслаҳат берганман, ҳолос. Маслаҳат буйруқнома бўлгани ҳам рост.

— *Ўша даврда ишланган «Танка», «Ўртоқ Бойкенжаев», «Дев билан пакана» (2004), «Осмондаги болалар» (2002, 2003), «Эркак» (2005), «Пўш, арава» (2006), «18-кварт» (2007) ва бошқа фильмларда ўткир ижтимоий муаммолар кўтарилган. Бу ёки бемалоқчиликми?*

— Ибратли бир латифа борки, гижжакчи яхуиди ўзининг эшони, яъники раввин ёнига келиб, бугун — муборак шанба, лекин гайридин дўстим қуйигоа олиб айни шанбада уйлантапти, кечқурун тўйда меҳмонларига озгина нағма қалиб берсам бўладими, деб сўрайди. Раввин айтидики, йўқ, шанба қуни ишлаш қули гуноҳ, фақат ибодатга рухсат бор. Реббни, ўзингиз шанбада соқол қиртишгаб ўтирибсиз-ку, дея эътироз билдиради бечора гижжакчи. Шунда раввин айтидики, бўтам, фарқимиз шундаки, мен бировлардан рухсат сўраб ўтирмайман...

Биз ҳам бировдан рухсат ҳам, маслаҳат ҳам сўраб ўтирмаганимиз. Фильмларни фақат бадий кенгаш қабул қилган ва экранга йўллаган. Бошқа бирорта ташкилот ишимизга аралашмаган. Сиз санаган фильмлар, аввалроқ айтиганимдек, ижодий эркинлик шароитида олинган. Ижтимоий муаммоларни кўтариб чиқиш ҳақида гап-сўзлар бўлган бўлиши табиий, лекин асосий талаб ҳаётни борица, бежамасдан кўрсатиш эди.

Бугун эринмаган одам борки, миллий телевидениени ёзгариди. Шева босиб кетди, ажабайи сериаллар қўп, нимаялғоғқоқ лапарчилардан дод ва ҳоказо ва ҳоказо. Гўё телевидениега теккан касални тузати бўлмайдинганди. Тузатса бўлади. Тузатиш ооси. Кўп нарсаси раҳбарларга боғлиқ. Оғриқли жойларни топиб, даволашни талаб қилса бас. Лекин оғриқли жойни топиш учун, аввало, тузукроқ савия, диду фаросат ва озгина журъат керак. Афсуски, замона зайли билан бу хислатлар, айниқса — охиригиси, ўта ноёб матоқ бўлиб қолди. Лекин юрт айвоини кенг, сидки-дилдан изласа топилади.

— *«18-кварт» фильми давлат бююртмаси бўйича ҳам яхши кино олиш мумкинлигини исботлаган. Айни пайтда, бунгаки шунинг ижодкорни маълум маънода квадратга солиб қўйишни инкор этиб бўлмайди. Фильмларингиз президентнинг (ёни кичик ҳарф билан ёзаверас, майлими) образини телефоноз овози орқали бўлса-да, фильмга қиритганингизни айтиб, сизни роса макташган, ҳақиям макташяди. Менимча эса, бу катта жасоратдан кўра озгина журъат*

билан қўйилган момикқина пахтага ўхшайди. Шўро даврида «босмачифильм» дея устидан қулинган «Ўзбекфильм»нинг мустақиллик даврида «Антитеррористфильм»га айланиши мана шу квадратдан бошланмаганими? «18-кварт» мисолида кинодаси цензура, тайёр асарга тумшук тиқиллар, тақиқу таъйиқларга туриб бера олиш, давлат бююртмасини бажаришда схи-ни ҳам, қабобни ҳам қуйдирмаслик маҳорати... ҳақида гаплашсак. Сийёсий элитанинг савияси санъатда савиясизликни урчитиб юбормаслиги учун нималар қилиш керак?

— «18-кварт» шунчаки баҳс баҳонасида тутилган нарсаси. Ватан ҳақида «ватан» деган сўзни бирор марта ҳам ишлатмасдан кино олса бўладими, деган саволга жавоб топиш менинг зиммамга тушди. Давлат бююртмаси дейсиз-у, давлат ажратган пул бу фильмин олишга етмасди. Етмади ҳам. Хайриятки, Ички ишлар вазири Зокир Алматов сюжет ишончлироқ бўлиши учун ўзининг биринчи муовини, кейинчалик ўзи ҳам вазири бўлиб ишлаган Баҳодир Матлубовни маслаҳатчи этиб бир-кидди. Мудофаа вазири Руслан Мирзаев уловдан (катта юк машинасидан тортиб, то жанговар вертолётларга қалдар), қурол-ярроқ, пахтаван ўқ-доридан беминнат ёрдам берди, тогу дараларда кечган жанг саҳналаридан курсант йигитлар актёрлик қилди, пиротехник вазирасини унча-мунча рутбали ҳарбий эмас,



юбуровдим. Шу-шу, Муродхон оқалигича қолиб кетди. Кейинги фильмда Баҳодир Йўлдошев недир катта байрам талоринига банд бўлиб, қадрлон укам Жаҳонгир Қосимовнинг қутқуси билан ўзим суратга тушдим. Учинчи фильмда эса шармандалиқни ўзли-кесил бўйинга олиб улгурган эдим. Фақатгина башарами тўлиқ кўрсатмайсан, умумий планда оласан, ўрта ва йирик планини бир-икки секунддан оширмайсан, деб шарт қўйдим, ҳолос.

Актёрлик — оғир касб. Бу касбга киришмоқнинг биринчи шартти юздан уятни сидириб ташламоқдир.

Умуман олганда, ёзувчиликнинг актёрликка уйкаш тарафлари жуда кўп. Ҳикоя, қисса ёки роман ёза туриб, ҳаёлан бўлса-да, санақсиз одамларнинг (қаҳрамонларнинг) вуҷудига кириб чиқсан. Қолаверса, Муродхон оқа роли менинг ягона гуноҳим эмас. Анча йиллар олдин шайтон йўлдан уриб, ўзим ёзган биринчи фильмда муаллим ролини ҳам ўйнаганман.

— *Жамиятни кўза кўринмас авторитетнинг соясига сатом бериш психологияси бошқаради, деган тезис насрий асарларингизда ҳам бор эди (масалан, Қорун ар-Рашид образи сизни шу сабабдан қизиқтирган деб ўйлайман). Фильмларингизда айни фикр очикроқ, аниқроқ ифода этила бошлады. Айтлар таъинингизни томошабин яхши тушулмагандек туюлганми ёки ўша даро у-бу тарзда тушуриш топса-да, барибир захри босилмаганими, охири «Рўё» («Окаҳон») дунёга келди. Эшитишимча, сценарий 2006 йили ёзилган, 2014 йили фильм ишланган, 2018 йили тақдироти ўтказилди ва... қудуққа тош ташлагандек кетди. Халқимиз тайёр эмасмиди (маишур сийёсий баҳона) ёки бунинг бошқа сабаблари борми? Умуман, шу мавзу сиз учун ёпиқлими ё давомиши кутайликми?*

— Сиз айтётган фильмининг асл номи — «Окаҳон». «Рўё», «Соя» деган номлар асосий мазмунини ҳас-пўшаш учун қўйилган эди. Матин 2006 йилда эмас, анча кейин ёзилган. «Опахон» деб аталса ҳам мохияти ўзгармасди, ақинча — анча ҳаётни чиқарди. Фильмдаги Окаҳон — ўзи йўқ одам. Бир гал қаҳрамонимиз ожизлик қилиб, ўзидан зўрроқ биттасига ортида недир Окаҳон борлигини айтиди, ҳолос. Турган-битгани уйдирма. Лекин виртуал Окаҳон бора-бора қудратли фантомга айланиди ва қаҳрамонни ноқуд қилади. Тайёр фильмининг тўрт-беш йил чанг босиб ётишининг сабаби оддий — «қуда тарафга» мутлақо ёкмаган.

Бугун, демократик тамойиллар қуртак ёриб, Одамлар бемалол фикрлаш ва гапиришни қайтадан ўрганаётган пайтда «Ўртоқ Бойкенжаев» ёки «Окаҳон» каби фильмлар телевидорда намойиш қилинса, ўзинга яраша томошабин топади, деган умидим бор.

Саволга қайтсак, мени турли оқаҳонларнинг одамлар онига ин қурган виртуал салтанатидан кўра реал ҳокимият ва реал жамият мавзуси кўпроқ қизиқтиради. Кечаги қуни ва бугунини, яъни эски салтанат тугаб, янгира қурумлар жорий этмоқ истаган янги сийёсатчилар гурус-гурас бўлиб майдонга чиқаётган замонни бадий идрок этишга эҳтиёж борайди. Худо умр берса, кинода эмас, насрда ўзимни яна бир синаш ниятим бор.

— *«Тафаккур» журналидаги сўхбатда сизга адабийшуносликда қўйилган айб — «инсоннинг устидан қулиш пораво» деган эътирозга қарши эътироз билдирганингиз эсимда. Истеҳзо — Мурод Мухаммад Дўстининг табиатидан келиб чиққан ва ўзига хослигига айланган. Бу жиҳат фильмларида ҳам кўрилади. Лекин «Кўргим келадими» (2014) томоша қилганимда фильм хайрхоҳлик туйғуларига йўриқлаганига, очиги, ҳайрон қолдим. Продюссер образи ва шунга ўхшаи баъзи унсурлар сериестехзо ёзувчини эслатиб туради, албатта. Аммо асарга туртки берган туйғу Зайдага ҳамдардлик бўлган, ўйлашимча. Дафъатан Мурод ака қариятчимикан деган ўй ҳам келди, ростки. Ижодада янгича ўзганга тунишим бу ёки тасоифий ҳолатми?*

Муаллиф оғир дардга қалинган қизалоқ ва унинг ёлғиз онаси ҳаётини ҳикоя қилаётганида юмшоққўнгил бўлиб қолиши табиий ҳолдир. Албатта, қун савий қариб бораётганим аниқ, лекин истеҳзо қургур ёш танламас экан. Букрини гўр тузатади, деган ўрис мақолани эсласак қийоф. Лекин, тепамда Худо, мен истеҳзо услубини атай танлаганам йўқ. Балки у мени танлагандир?..

— *Чет эл ёзувчилари маишур бўлиб кетсач, янги асарларини бошқа ном билан нашр қилдириб, ўзининг асл қачини, иқтидорини синаб кўрар экан. Шундай таърибада қўл уриш ниятингиз йўқми? Тахаллус билан адабий асарлар, киносценарийлар ёзиш, борини эълон қилиш... Насриддин Хўжаев ўзини оқлади, шекилли?*

— Умр бўйи бирор адабий мистификация қилиш орузида яшадим, лекин ниятим амалга ошмади. Ўз номимдан ҳам ёлчитиб ёзоладим. Фернандо

Пессоа (яна бир ёзувда — Фернандо Пессоа) деган бюоқ португал шоири ўз тили ва француз тилида баробар ижод қилган. Рикардо Рейс, Альваро де Кампос, Бернардо Соарес каби жами 136 та (!) гетероним, ярим гетероним ва таҳаллуслар билан ёзган. Ёзиш ҳам гапми, унинг гетеронимлари бир-бирларига мактублар битган, шеърлар ва мақолалар, бутун бошли китоблар чиқарган, матбуот саҳифаларида ўзаро баҳслаган. Энг қизиги, ҳар бир гетеронимнинг ўз услуби ва ўз тили бўлган.

Марҳум шоиримиз, юртимизни жонидай яхши кўрган ақойиб дўст ва олижаноб инсон Александр Файнберг билан қилган қувлигимиз, яъники «Дев билан пакана» фильми титрига у ўзини «Искандар Файнберген» (салкам қорақалпоқ), мен эса «Насриддин Хўжаев» (Хўжа Насриддинга ожизроқ шаъма) шаклида олиб чиқганимиз португал шоири қориб ташлаган ҳамирга урвоқ ҳам бўлолмайди.

— *Сиз раҳбарлик қилаётган пайтда, 2004 йили Президент фармони, Вазирав Маҳмадаси қарори чиқарилиб, «Ўзбеккино» Миллий агентлиги ташкил этилганида йилсиз 15 та тўла метрражаси бадий фильм ишлаш назарда тутилган, амалда эса бу санақ 5 тага тушиб қолган. Исро механизмида бирор кўсур бўлганми? Мана, ҳозир ҳам 2021 йилдан бошлаб ҳар йили 30 та бадий фильм олиш вазифаси қўйилмоқда, бу ҳам қоздоқа қолиб кетмаслиги учун ишни қандай ташкил қилиш керак деб ўйлайсиз? Бугунги ўзбек киноси салаҳияти ишга қодирми, ўзи?*

— Ҳукумат қарориди ҳам, ижро механизмида ҳам ҳеч қандай қусур йўқ эди. Бола йилгамаса, онаси қўқрак тутмайди, деган мақол бор. Ҳукуматдан, қурумсоқ молия вазиридан пул ундириш осон эмас. Менимча, кейинги раҳбарият кино соҳасини пухта билгани ҳолда, амалий ишда ортиқча андишага бортган, молиянинг пастки бўғинида ўтирадиган майда қиерларнинг турли баҳоналарини еңиб ўтолмаган. Қамтарикдан бўлмаса-да, айтишим керак, бир гал пулдан қийналганимизда телевизорга чиқиб: «Кино — мафкура, мафкура керак бўлса, пулини берсин», деб рўй-рост айтдим. Биров қўшиб-қатиб етказганим ёки ўзи кўрганми, Исло Каримов дарров ҳузурига чакирди. Гапни чўзмадан, «Нега телевизорга чиқиб олиб манга илдоа қиласан?» деб сўради. «Илдоа қилмадим, Исло ака, шунчаки талаб қилдим», дея қўзимни лўқ қилиб тураредим. Хуллас, ҳўмрайган қўйи «Манавияга пул топиб беринлар», дея зардали бююрди. Кейин, миннатдорлик билдириб, хайхотдай кабинетдан чиқиб кетаётганимда яна тўхтатди: «Барбир илдоа қилдинг!» Наҳора, (пул унди-ку!) яна бир бор қуоқ миннатдорлик билдириб, охирида: «Озгина илдоа ҳам бор эди», дея тан олишга мажбур бўлдим. Дарвоқе, йилга 15 фильм олиш ҳақидаги қарор ҳам ўша «илдоа»дан кейин чиққан эди.

Ўзбек киночиларининг яна икки йилдан кейин йилга 30 та бадий фильм ишлашга қучи етадими? Жақобим қатъий: етади. Ҳукумат маблағ ажратишда гирромлик қилмаса бас. Олинажаб ўғитизта фильмининг савияси турли даражада бўлиши мумкин, лекин ҳар ўнта фильмга битта ёки иккитадан яхши фильм тўғри келса, шунинг ўзи ҳам жуда катта ютуқ. Ёши улугларни унутмаган ҳолда, энди еттишга келаётган ёшларга эътиборни қучайтириш ва уларга хатто, юрак бетласа, хато қилиш учун ҳам имкон бериш зарур. Уч-тўрт йилда сараси қараса, пучи пучакка ажралади, кейинги муомала ҳам шунга яраша бўлади.

Эшитишимча, янги раҳбарият кинога яхши кўз билан қараётган экан. Хаттоки орқаворотдан, алоҳида Миллий киноакадемия очиларми, деган ёқимли хабарлар ҳам етиб келляпти. Яна бир эл оралаб юрган гап, яъники Москвадаги кино институтининг маҳаллий филиалини очиб масаласига тўхталсак, бу ишни қилишдан олдин қўп ва ҳўб ўйлаб кўриш керак. Балки молия, банк, қурилиш ёки қончиллик соҳасида хоржий ўқув юртларининг филиалларини кўпроқ очиш керакдир. Лекин дабдурустан қўнгилчанлик қилиб, бевосита миллий мафкура ва менталитетга бориб тақалувчи маданият ва санъат таллимини ҳам хоржий юртлар вакиллари қўлга бериб қўйса, натижаки ҳунуқ бўлмасмикан, деган истиҳола бор. Биз хоҳлай-мизми-йўқми, барибир, улар ёшларимиз онига ўз маданиятини, ала-оқибатда эса ўз мафкурасини сингдириши тайин. Тажрибамиз етар-етмасидан қатъи назар, ёшларга санъатдан ўзимиз таълим беришимиз шарт деб ўйлаيمان.

Ўтган йилдан бошлаб Санъат ва маданият институтида ўн қишидан иборат толиблар гуруҳига амалий машқлар ўргатиб юрибман. Улар хали жуда ёш, ақари узок қишлоқлардан келган, инглиз ёки рус тилини унчалки яхши билмайдил. Уларнинг бегона тиллардан бехабарлиги айб эмас, азбаройи гайрат қилинса, бир-икки йилда ўрганиб ҳам олади. Мен учун энг муҳими — уларнинг ўзбек тилида ўйлашни, ўзбек тилида сўйлаш, ўзбек тилида тушлар кўриши. Келажакда улар ўнлаб тилларни ўзлаштириши мумкин, юзлаб мамлакатларда битилган ёки суратга олинган китоб ёки фильмларни ўқийди, кўради, лекин барибир миллий заминдан, миллий тарбиядан узоқлашиб кетмайди, яна ўзбекча ўйлайверади, сўйлайверади, тушлар кўраверади. Ва муқаррар тарзда ўзбекча ёзади, ўзбекча кино қилади.

Фарруз ЖАББОРОВ сўхбатлашди.

Ер сотган эл бўлмайди, эр йигит ер сотмайди. Бу ибора ўзбекман деган ҳар бир инсонга азалдан маълум, унинг маъно ва моҳиятига изоҳнинг ҳоҳшати йўқ. Оддий, тушунарли, шу билан бирга, мулоҳаза юритишга ундовчи юклагаси бор. Кейинги пайтда шу ибора атрофида бироз фикр юритиш фурсати келдимикан, деган ўй менга тинчлик бермай қўйди. Чунки шундан замон эришликлари инсонлар дунёқарашини бутунлай ўзгартириб юбораётгандек. Қўнчилиқда нималаргадир эришиб қолиш илмжи анча илдамлаб бораётгандек.

Етти-саккиз ёшларда эдим, чамаси. Хонобод кишлоғида хонадонлар бармоқ билан санарли эди. Аҳолига уй-жой куриш учун давлат томонидан саккиз ва ундан зиёроқ сотих томоркалар берилди. Маблағи борлар беш-олти хона, қўли бироз кискароклар томорка атрофини ўраб, икки-уч хонали уй куришни бошлади. Биз — жўжабирдай оила. Онам далада ишчи, отам эса савдо соҳасида ишлардилар. Бизга қараши ер участкасининг бурчак қисми келажакда кўча тушиши хисобга олиниб ташлаб кетилди. Анча йиллар у жой қаровсиз, эътибордан четда қолди. Атрофини ўраб деҳқончилик қилиб юрдик. Кейинчалик маҳаллага кириш йўллари тартибга келиб, ўша беш-олти сотих ер ихтиёрига қолди. Отам хат-хужжатга эътиборли бўлганликлари сабаб фарзандларим кўп, бир кун кўнимизга яраб қолар, деб расмийлаштириб олдилар.

Орадан анча йиллар ўтди. Бир йилгити шогирдликка олганди. У онаси билан шаҳардаги уйлардан бирида ижарада яшарди. Онам билан маслаҳатлашиб ерни шогирдларига расмийлаштириб бердилар. Ўзлари бош бўлиб уйлантирилди. Шогирдлари отамни рози қилиш мақсадида ховли-жойнинг нархини сўради. Шунда отам, “Мен сени укам деб биламан, ака жигарида пул оладими”, дебдилар. Онамиз дунёдан ўт-гунча ота-онамини дуо қилди. Тўғри, ўша пайтда отамга: “Фарзандларинг кўп, уларнинг ҳар бирига ховли керак, нима қиласан бегонага жойининг бериб”, дегувчилар ҳам бўлганди. Яратган Эгам ҳар бир инсонни ўз ризки билан яратар экан, бизлар ҳам уй-жойли бўлиб кетдик. Отам ер сотиб, маҳалланинг олди бўлиб юришдан йироқ бўлганлар.

Бошқа миллатларни камситмаган ҳолда айтаманки, бизнинг халқимиз жуда болажон. Бу бор гап. Нимаки қилсак, фарзандларимиз келажак учун қиламиз, келгуси ҳаётлари давомида ҳеч нимага зорикмасдан яшашларини истаймиз. Уларни муваққил ҳаётга тайёрлаш учун ўзимизни ўтга ҳам, чўкка ҳам уриб не қўйларга тушмаймиз. Оддий бир ҳақиқат. Атрофимиздагилар фарзанди учун ер олиб, иморат қўтарса, ундан қолмасликка, фарзандини ўқитса, ўқитишга, машина олса, олишга ҳаракат қиламиз.

Бир кун нотаниш киши йўқлаб келиб, ховлимнинг орқасидан ер сотиб олгани, у ерда курилиш қилиниши айтиди. Гапнинг индалосида: “Мана шу икки тул ўрғингиз халақит бераётти, иложи бўлса, олиб ташланг”, деди.

“Хозир ер олиб, унга беш-олти хонали уй солиб, устини алтиратиб сотиб кетувчилар кўпайиб кетган. Сиз ҳам шундайлардан эмасмисиз?”, дедим у кишига. “Ундай эмас, отахон, фарзандлар учун кураяман. Сизга қўшни бўламиз”, деди у. Хуллас, курилиш ишлари бошланди. Орадан сал ўтмай у киши яна йўқлади: “Шу уйни сал баландроқ қўтармоқчи эдик. Сизни олдингиздан ўтгани, изн сўрагани чикдим”.

“Иш қилиб икки қаватли иморат эмасми”, дедим. “Унчалик эмас-ку, сал баландроқ”, деди. “Яшайдиган сиз, хозир бировга маслаҳат бергани ийманасан, ўзингизга маъқулни қилаверинг”, дедим. Икки ой даганди икки қаватли бино пайдо бўлди. Энг кизиги бўёқда экан. Янги қўшнинг кўчада учратиб, “Қўшни курилишлар билан чарчаб қолмадингизми? Икки

қават қурмайман, ўзим яшайман, деган эдингиз, биз сизнинг соянгизда қолиб кетдик-да” десам, “Нима, арз қилмоқчимсиз, хоҳлаган жойингизга боринг, мен қуриб қўйдим, бу ёғи яшаш — яшамаслик ҳам менинг ишим”, деса бўладими. Орадан вақт ўтиб, дарвозада “Уй сотилади” деган тахтача пайдо бўлди. Хуллас, ўтган йиллар ичиде, шу уй адашмасам, тўртинчи бор қўлма-қўл сотилди.

Чирчик дарёси оқиб ўтадиган Зангиота туманига қараши хосилдор, серурум ерлар аҳоли эҳтиёжи учун турар-жой уйлари қуришга ажратилди. Бунинг яхши жиҳати шуки, ер олиб ўзи ва фарзандлари учун бир ватан яратиш бўлса, ёмон томони, киши билмас ер олди-сотдиси авжига чиққани. Қатор-қатор уйлар, тош девордан ўраб олинган ерларга қўзингиз тушса, хайратланишингиз аниқ. “Уй сотилади”, “Ер сотилади” каби эълонларнинг чеку чегараси йўқ. Бойлик, уч-тўрт қулиқ роҳат, деб

қўш-қўш машина, ховли-жой эгалари нахотки, атрофда, ўнгу сўлга қараб яшаш кераклигига амал қилишмасе. Нахот, иймон, инсоф, диёнат деган тушунчалар инсонлардан йироқлашган бўлса. Бойлик бугун бор, эртага йўқ, соғлиқ ҳам бутун сенда, эртага қўлдан кетиши мумкин бўлган оддий тушунчалар инсонни тарқ этаётган бўлса.

Чамаси 1979 йиллар. Маҳалламизда уйлар қурилиб, одамлар янги хонадонларга қўчиб қираётган пайтлар. Бир кунги ёши олтимышлардан нари-бери бир отахон кўчада қўлларини орқага боғлаб қаддини фоз тутиб, айланиб юрарди. Отамдан “Бу киши ким?”, деб сўрадим. “Бу одам яқинда мана шу ховлини сотиб

▶ СИЗ НИМА ДЕЙСИЗ, АЗИЗ ГАЗЕТХОН!

олди, шаҳардан келган бойлардан”, дедилар. “Бойлигини қандай билдингиз?” десам, “Бошидаги дўпписидан”, дедилар. Дўпписи сидирга, гулсиз, ранги кўк. “Шунақа дўппини факат пули эллик минг сўмдан ошганлар қияди. Мана шу уйни олтимыш минг сўмга сотиб олибдими, демек бой-да”, дедилар. Шу одам фарзандлари учун ховли-жой, ватан яратиб берди.

Вилоят газетасида “Журналистга ер берган ҳокимни танийсизми?” сарлавҳали кичикроқ мақолага қўшим тушди. Журналистга эътибор қиладиган ҳоким ҳам бор экан-ку дедим-да, мактуб билан туман ҳокимига мурожаат қилдим. Мактубда уй-жой куриш учун ер ажратишингизни сўрайман, деб ёзилганди. Аслида уй-жойга муҳтожлик йўқ. Мақсад маҳаллада кичикроқ бўлса-да, спорт майдончаси барпо этиш эди. Туман ҳокимидан жавоб мактуби олдим. Мазмунини: “Уй-жой куриш ва бошқа мақсадлар учун фуқароларга ер ажратиш ҳокимият тасарруфиде эмаслиги сабаб ер участкаларини тақсимлай олмайдим”. Энди ўйлаб қарасам, ҳоким тўғри жавоб ёзган. Қуруқ ер олиб уни сотиб, мўмай даромад манбаига айлантириб олган инсонларни қўллаб учратиш сир бўлмай қолди.

Ойда бир бор жўралар билан учрашиб, гурунлашиб турамиз. Шундай кунларнинг бирида дўстим янги машина миниб келди. Хурсанд бўлиб, уни қутладик, яхши тилаклар айтдик. Шунда у, “Отам раҳматли бизни ўйлаб ховли-жойни катта олган эканлар, шунинг ярмини сотиб ўзимга ҳам, ўғлимга ҳам машина олдим”, деб мактуби гапирди. Огайилардан бири “Яхши қилибсан, мен ҳам катта ўғилга деб шаҳар чеккароғидан ер олдим, болаларга ватан бўлар”, деди. Ҳозирда машина олган дўстимиз фарзандлари учун ватанга муҳтож, ер сотиб олгани эса фарзандининг рўзгорини бўлак қилди. “Болаларим ишлапти, эҳтиёжи бўлса, машина ҳам битиб кетар”, дейди. Замон ўзгариб, одамлар орасида бир-бирига бўлган оқибат кўтарилди, деган сўзлар эшитилиб турибди. Бундай гаплар анча илгари ҳам айтилган.

Йўқ, замон ўзгараётгани йўқ. Одамлар ўзгараётти. Тўғри, бор бўлса, яхши яшаш, яхши кийиш, яхши еб-ичиш лозим. Аммо инсонийликни ҳам ёддан чиқармаслик лозим. Бир издиҳомда маъруза тингладим. Айнан ер, уй-жой, мол олди-сотдиси мавзусида фикр айтилди. Шунда бир қизик маълумот ҳаманинг эътиборини тортди. Хориқлик миллиардер Марс сайёрасини сотиб олиш учун етарли маблағ тўплаганимиз. У пулини қимга берар экан, билмадик. Бу бойвачча Марсни сотиб олишни ният қилган бўлса, бизда ҳам ҳадемай Ер қурурагини сотиб оладиган бойлар чиқиб қолишга шубҳа йўқ.

Ер сотган эл бўлмайди, эр йигит ер сотмайди. Бу айни ҳақиқат. Замонимиз тинч, халқимиз турмуш даражаси юксаклик сари оқимламоқда. Нима бўлганда ҳам инсоннинг оғи ердан узмамас. Қўнчилиқнинг меҳр-оқибат, бағрикенглик тарқ этмасин.

Асрор СУЛАЙМОНОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

ҲОМИЙЛАР ТУҲФАСИ

Бундан икки ҳафта муқаддам ҳомийлар ташаббуси билан пойтахтимизнинг Чилонзор туманида барча қўлайликларга эга “Катта Қозиробод” маҳалла фуқаролар йиғини биноси қуриб фойдаланишга топширилган эди. Мазкур бинода кекса отахонлар учун қойхона, маҳалла маъмурияти фаолият олиб бориши учун замонавий тилда жиҳозланган кутини, йиғилишлар хоналари ҳамда ёшларнинг бўш вақтларини самарали ўтказишга мўлжалланган кутубхона ҳам мавжуд.

▶ ХАЙРЛИ ТАШАББУС

таъкидлашчи, қўшни “Катта Қозиробод” МФЙ биносини қуриш ва жиҳозлаш ишларига фаол тadbirkor Жаҳонгир Анваров бош-қош бўлган.

— Ўша кунни жамоатчилик томонидан тadbirkor шайнига айтилган ташақкур ва тилакларини эшитган кишилар қалбиде эзгу ишларни амалга оширишга рағбат уйғонди, десам муболага қилмаган бўламан, — дейди у.

Ўтган кунни ана шу бинода янги кутубхонанинг тақдирот маросими бўлиб ўтди. Унда шахар, туман ҳокимлиги, депутатлар кенгаши вакиллари, маҳалла жамағариси раҳбарлари, қўшни маҳаллалар кенгаши, таниқли шоир ва ёзувчилар, таълим муассасалари ходимлари ва маҳалла ёшлари иштирок этди.

Тadbirkor маҳалла ахли, айниқса, ёшларнинг бўш вақтларини самарали ўтказиш учун ниҳоятда зарур бўлган кутубхонани ташкил этишда яқиндан ёрдам берган, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ректори, халқ депутатлари туман кенгаши депутаты Шавкат Шарипов сўзга чиқиб, ўз сайловчиларига давлатимиз раҳбари томонидан ёшлар маънавиятини оширишда жуда катта самара бераётган беш муҳим ташаббуснинг мазмун-моҳияти ҳақида

Бионинг очилиш маросимида иштирок этган тумандаги “Қатортол” МФЙ раиси Пардавой Эргашевнинг



сўзлади ва маҳалла билан ёндош университет жамоаси, Ёшлар иттифоқи бўлими бу масканда бундан буён маданий-маърифий тadbirkorларни ўтказишда ҳамкорликка тайёрлигини билдирди.

Кутубхона тақдироти маросимида иштирок этган ижодкорлар, маҳалланинг ёш каламкашлари йиғилганларга Ватан, ёшлиқ сурури, кекса авлодни қадрлаш мавзуларида шеърлар ўқиб бердилар.

Барчиной НИЗОМОВА



Шу яқин кунларда мамлакатимизнинг олис-олис ҳудудларида катта ҳажмдаги чиройли автомобилни қўришингиз мумкин. Ундан биринчи бўлиб тошкентликлар баҳраманд бўлганди. Бу машина кузовининг икки ёни деярли 6 метрга кенгайиб, ихчам, қулай томоша жойини ташкил этади. Эшикни очсангиз, худди уйдек шинам, кенг залга кирасиз. Саксон кишилик бу зал кинотеатрдагидек қўлайликларга эга: оралари кенг, қулай креслолар жойлашган. Чирок ўчғач, каршингиздаги катта экранда фильм кадрлари намоён бўлади. Ушбу лойиҳа раҳбари Аҳмаджон УМАРОВ бизга қўйдагиларни гапириб берди:

— Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан “Ўзбеккино” Миллий агентлиги ва Республика Миллий банкига 2018—2019 йилларда мамлакатимиз бўйлаб замонавий кинотеатрлар яратиш вазифаси юкланган. Бугун янги курилишларга ва эски кинотеатрларни реконструкция қилишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бу вазифа катта маблағ талаб қилиши билан бирга, уни бажариш учун йиллар зарур бўлади. Олис ҳудудларда, аҳоли кам яшайдиган жойларда кинотеатрлар қуришдан тadbirkorлар ҳеч қандай манфаат қўрмайди. Яъни улар ўз харажатини қоплай олмайдилар. Бир-икки сеанс намойиш этишга мўлжалланган кўчма кинотеатрлар бу ўринда жуда қўл келади. Шунинг назарда тутиб, хозиргача нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Марказий Осиёда ягона бўлган биринчи кўчма кинобилни келтирдик. Ушбу кинобилнинг тақдироти Президент Шавкат Мирзиёевнинг Сурхондарёга ташрифи чоғида Ўзбекистон Миллий банки ва “Ўзбеккино” Миллий агентлиги ҳамкорлигида ўтказилди. Ишонч билан айтиш мумкинки, ушбу лойиҳа тижорат нуқтан назаридан ҳам, ижтимоий жиҳатдан ҳам ниҳоятда фойдали. Энг муҳими, юртимизнинг кекса жойлариде яшайдиган аҳолига ўз вақтида кино хизматини қўрсатиш имконига эга бўламиз.

Шуниси ҳам борки, бу факат кино қўрсатадиган жой бўлиб қолмай, унда учрашувлар, турли тadbirkorлар, семинарлар, видеоконференциялар ўтказиш мумкин. Май ойидан буён кинобил қирқдан ортиқ жойда бўлиб, йигирма мингдан кўпроқ одамга хизмат қилди. Бизни қувонтирадигани, томошабин “CINE MOBIL” кинотеатрларини яхши қўтиб олди. Шу қўнғача кинобил Самарқанд вилоятининг кўп туманлари аҳолисига хизмат қўрсатиб, эндиликда Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент вилояти аҳолисига Ватанимизда ишланган энг яхши фильмларни намойиш этмоқда.

Флора ФАХРУТДИНОВА

САРҲИСОБ ВА РЕЖАЛАР

Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмасида бўлиб ўтган фаоллар кенгашида Ҳукумат қарорларини амалга ошириш йўлида ярим йил мобайнида олиб борилган ишлар сарҳисоб қилинди, муаммо ва режалар ҳақида сўз юритилди. Президентимиз томонидан ёшлар билан ишлашни самарали ташкил этиш йўлида тadbirkor этилган бешта ташаббуснинг биринчисини амалга ошириш, аҳоли ва ёшлар ўртасида маданият ва санъатни тартиб қилиш мақсадида пойтахт ва вилоятларда таниқли ҳамда истеъдодли ёш композиторлар, бастакорлар ва музикашунослар иштирокида юздан ортиқ ижодий учрашувлар ўтказилди. Ихтисослаштирилган санъат мактабларига махсус адабиётлар ва нота тўпламлари совға қилинди.

Ҳамкор ташкилотлар ва “Илҳом” жамоат фонди ёрдамида музика санъати, композиторлик ижодиётини ривожлантириш ва тарғиб этишга йўналтирилган ижодий учрашувлар, хотира кечалари, концертлар, танлов ва фестиваллар ўтказилди.

Анъанага айланган туркум тadbirkorлар музика, адабиёт, рассомлик ва театр санъатлари турли авлод вакиллари яқиндан танишишлари, ўзаро тажриба алмашишлари ва ўз касбининг муҳир устаси бўлиб етишишларида муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу қўнғача қадар нашр юзини қўрган махсус монографиялар, маълумотномалар,

Ўзбекистон композиторлик ижодиёти масалаларига бағишланган конференциялар маърузалари тўпламлари, “Парвоз завқи” ноталар тўпламининг тақдирот маросимлари кенг жамоатчилик эътиборини тортди.

Кенгаш ишида композиторлар бугунги кунда симфония, вокал симфония ишлашни самарали ташкил этиш йўлида тadbirkor этилган бешта ташаббуснинг биринчисини амалга ошириш, аҳоли ва ёшлар ўртасида маданият ва санъатни тартиб қилиш мақсадида пойтахт ва вилоятларда таниқли ҳамда истеъдодли ёш композиторлар, бастакорлар ва музикашунослар иштирокида юздан ортиқ ижодий учрашувлар ўтказилди. Ихтисослаштирилган санъат мактабларига махсус адабиётлар ва нота тўпламлари совға қилинди.

Ҳамкор ташкилотлар ва “Илҳом” жамоат фонди ёрдамида музика санъати, композиторлик ижодиётини ривожлантириш ва тарғиб этишга йўналтирилган ижодий учрашувлар, хотира кечалари, концертлар, танлов ва фестиваллар ўтказилди.

Анъанага айланган туркум тadbirkorлар музика, адабиёт, рассомлик ва театр санъатлари турли авлод вакиллари яқиндан танишишлари, ўзаро тажриба алмашишлари ва ўз касбининг муҳир устаси бўлиб етишишларида муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу қўнғача қадар нашр юзини қўрган махсус монографиялар, маълумотномалар,

ишларни жадаллаштириш долзарб вазифа экани таъкидланди. Йиғилиш сўнггида уюшманинг келгусидаги фаолияти режаси муҳокама қилинди. Вилоятларда ижод қилаётган композиторлар, музикашунослар, музика ва санъат мактаблари билан ижодий алоқаларни мустаҳкамлаш, ноябрь ва декабрь ойларида мақом анъаналарига асосланган замонавий янги асарлар, музикашуносликка оид адабиётлар ҳамда илмий мақоалалар республика танловларини ўтказиш, Ўзбекистон композиторларининг симфоник асарлари антологиясини яратиш ҳамда саба ижод намуналарини CD дискларга ёзиб олиш каби муҳим ишларни амалга ошириш устаси олдига турган асосий вазифалар экани айтиб ўтилди.

Мухайё НАБИЕВА

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва “Ижод” жамоат фонди уюшма аъзоси, Ўзбекистонда хизмат қўрсатган маданият ходими Ҳамдам Эшонқуловга турмуш ўртоғи

НОРБОНУ аянини

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдирди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва “Ижод” жамоат фонди уюшма аъзоси

НИЗОМЖОН ПАРДАЕВНИНГ

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдирди.



O'ZBEKISTON
ADABIYOTI VA SAN'ATI

Манзилимиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru



Муассис:
ЎЗБЕКISTON
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Ҳамкорларимиз:
akfa

Бош
муҳаррир:
Ўқтом
МИРЗАЁР

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-57-42

Тахриратга келган қўлхатлар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахрират нуқтан назаридан фарқлангани мумкин.

Масъул котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир: Ҳумоюн АКБАРОВ
Саҳифаловчи: Зафар РЎЗИЕВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
26.11.2014 йил 0283-рақами билан рўйхатга олинган.
Адади - 5700. Буяртма Г - 855.
Ҳажми - 3 боёма табоқ, А-2.
Нашр қўрсаткичи - 222.
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 5 6

Санъат бўлими: 233-56-40

Нам ва наср бўлими: 233-58-60

ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ

Сотува нархи эркин.



ISSN 2333-5344

